O'zingni angla!


HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 23-sentabr, 2009-yil ● №41 (643) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ФОШ БЎЛГАН НАЙРАНГ

Аниқланишича, иммиграция нозирининг шубҳаси бежиз бўлмаган экан. Буни кейинроқ ўтказилган экспертиза хулосаси, расмий идоралардан олинган маълумотлар ҳам тасдиқлади. Ўзини Малайзия фуқароси Салвараж Наина, деб таништирган бу йигитнинг паспорти қалбаки бўлиб чиқди.



➪ 2-бет

САМОЛЁТ ЯСАГАНИ УЧУН ҚАМАЛГАН ОЛИМ

Мустамлака юртда ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган олимлар пайдо бўлиши шўролар ҳукуматига асло ёқмас эди, албатта. Бошқа илм соҳиблари қатори Ҳусайнхон Ниёзий 1937 йилда сохта айб билан яна қамалади ва Андижон вилоят судининг ҳукми билан олий жазога — отишга ҳукм қилинади.



➪ 4-бет

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР БИЛАН УЧРАШУВ

Устознинг ўша пайтда Шёлковичная деб аталувчи кўчадаги уйини излаб топгач, қўнғироқ тугмачасини ҳаяжон билан босдим. Эшикни Абдулла аканинг ўзи очди. Саломлашдик. У киши ёзги кийимда эди. Жиддий ва салобатли қиёфада, мийиғида кулиб турган уй соҳиби "Хуш келибсизлар", — дея бизларни ичкарига бошлади.



➪ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**


■ Дунё оммавий ахборот воситаларида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Я.Ленарчичнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари ижобий баҳоланмоқда.

Шунингдек, хабарларда Я.Ленарчичнинг жорий йилнинг декабрь ойига мўлжалланган парламент сайловларида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасасининг кузатувчи сифатида иштирок этиш форматини белгилаш учун муассаса стандарт миссияни юборишга тайёр эканини билдирган фикрлари ўз аксини топган.

■ **Тошкентда Марказий Осиёдаги экологик вазият ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон экологик ҳаракати Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Россия, Норвегия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган экспертлар ҳам иштирок этдилар.**

■ Варшава шаҳридаги «Ромада» меҳмонхонасида Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Тадбир Польша туристик палаталар Миллий Кенгаши томонидан Ўзбекистоннинг Полшадаги элчихонаси кўмагида уюштирилди.

Польшада фаолият олиб бораётган туристик фирмалар, турли жамоат ташкилотлари шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этган тақдимот маросимида Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди. Шунингдек, Польшадаги «Бескреси» туристик фирмаси директори, ҳаваскор фотосуратчи Вальдемар Лабецкий тасвирга туширган суратлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.



ЭЪЗОЗ

МЎЪЖИЗАКОР КАСБ ЭГАЛАРИ

Юртимиз азал-азалдан ҳунармандлар маскани бўлиб келган. Ҳунармандчиликнинг кулолчилик тури ҳам оддий лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ва навқирон санъатларидан бири ҳисобланади.

Қадим-қадимдан уста кулоллар муқаддас заминимиз саховати, юрт таровати, меҳнаткаш халқимизнинг орзу-умидларини ўзлари ясаган сопол ва чинни буюмлари тимсолида ифодалашган. Диёримизда Хоразм, Тошкент, Риштон, Каттақўрғон, Шеробод каби ўнлаб кулолчилик мактабларининг шаклланган, бу ерда яшаётган кулоллар сулолалари яратаётган беназир буюмлар ҳозир ҳам дунёга довруқ тарататётгани бежиз эмас.

Аждодларимизнинг кулолчилик борасидаги ютуқларини кейинги авлод ҳам ихлос билан ўрганиб, янгидан-янги қирраларини кашф этишаётгани қувонарли, албатта. Жумладан, уста-ҳунармандлар яратган кулолчилик буюмлари юртимиз ва жаҳон мамлакатларида ўтказилаётган турли кўргазмалар, фестивалларда хорижликларни қайта ва қайта ҳайратга солаётгани барчамизни хушнуд этади. Буларнинг бари, аввало, истиқлолнинг, Юртбошимиз томонидан ҳунармандларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳамда имтиёзу имкониятлар шарофатидир.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Халқ билан гаплашишни биламизми?

Ўлмас Умарбеков деган ёзувчини дўстлари яхши билишади. Эслашади. Яқинда шу ижодкор тўғрисидаги замондошлари ёзган хотиралар китоб бўлиб чиқди. Ўтган адибларимиз ҳақида бундай хотира китоблари босилаётгани фақат бугун эмас, келажак учун ҳам муҳим воқеадир.

Катта ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби бўлган Ўлмас Умарбеков тўғри, самимий, ҳар жиҳатдан кўркам инсон эди (унга бағишланган хотираларда ҳам бу яққол акс этган). Албатта, мен анча йил бирга ишлаб, унинг баъзи инсонга хос ожизликларини ҳам кузатганман ва у муҳтож бўлмаган ҳолда, бу кун уни яна бир карра улуғлаб, идеал даражага кўтариш фикридан узоқман.

Гап бошқа томонда. Ўлмас ака умри охирида ҳакимларнинг нотўғри ташхис қўйгани натижасида оғир хасталикка йўлиқди. Чидамсиз азобларни бошидан кечирди. Лекин буни у қисмат деб билиб, ўлимга тик қаради. Олдинги хизмати билан кифояланмай, "Фотима ва Зуҳра" романи, "Қизимга мактублар (Мангу дунё бўсағасида)" қиссаси, қатор ҳикояларини ёзди. Айтиш мумкинки, ҳар қандай ёзувчи бу таҳлит мардлик-матонат намунасини кўрсатишга қодир бўлавермайди!

* * *

Одатда, ўқувчи (китобхон) барча ёзувчилардан эзгулик, олижаноблик, керак пайтда мардлик-матонатни кутади. Аммо турли касб-кор кишилари сингари ҳаётда ёзувчилар ҳам ҳар хил кишилардир. Шунга қарамай, уларнинг аксари инсоният шартларини бажариш, ўзини муносиб тутишга ҳаракат қилади. Умуман, адабиёт доим соғлом куч бўлган. Ҳозир ҳам шундай.

Бир ижодкор сифатида мактабда ўқиб юрган ва адабиётга қизиққан болалик кунларимдан йиллар давомида: "Адабиёт қачон, қандай, нега бунёд бўлган? Ёзувчи ким? Қалам тебратишдан муроди нима?" деган саволларга жавоб излайман. Инсоният тарихи то ҳозир китобларда чала ёзилганидек, асрлар бўйи бу саволларга берилган жавоблардан кўнглинг тўлмайди. Қўлига қалам олган киши бош қотиришга мажбур.

(Давоми 8-бетда.)



БАҒРИКЕНГЛИК

ҲАЁТ — МЕҲРИБОН ОНА КАБИ

(Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйидаги учрашув)

Тақдирнинг биз билмаган турфа синовлари бор. Ҳаёт меҳрибон она каби ҳамманинг бошини бирдек силамаса-да, инсон қалбидаги умид чироғи асло сўнмайди. Баъзи кўргиликлар кўксингни оловдек куйдирса, баъзан толенинг кутилмаган инъоми қалбингни кўкка тенглаштириб юборади. Шундамми, ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ дейишади. Аммо бошга тушган кулфатдан ҳам, келган қувончдан ҳам ҳикмат излаган, қисматнинг бешафқат синовларини ақл-заковати, тафаккури билан енгган инсоннинг йўли ҳар доим бахтга туташ, қалби гўзал туйғулар ила нурафшон бўлади.

«Кўнгиллар кўзга айланса...", "Она, чиройли сўз айтолсам агар...", "Ҳеч бўлмаса тушларимда дуо қилинг, отажон...», «Исмингиз лабимга қаланган гулхан... Сизни соғинаман, соғинмайсизми?!» бу шеърий мисралар Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган шоира қизларимиз — Севара Боқиева, Шоҳида Жалолова, Гулзода Муродова, Шодия Бобоқуловаларнинг ижод намуналаридан олинди.

Хизмат сафари сабабли Меҳрибонлик уйига қашқадарёлик бир гуруҳ ижодкорлар билан бораркан, йўлимизга анвоий гуллар тутиб, пешвоз чиққан ўғил-қизларни кўриб, кўнглимдан кечган биринчи гап шу бўлди: «Тарихи минг асрга тенг Китобнинг бағри кенг-да, ҳаммани бирдек ардоқлайди". Китоб қанча шоирларнинг бешигини тебратгани учунми, дийдорлашувимиз дарров мушоирага айланди. Бу муаззам заминнинг қир-адирларидан тортиб, тоғу тошларини-да шеърга солган нозик қалб қалам соҳибларининг ўтлуғ мисралари хотирамда ўрнашиб қолди. Беихтиёр хазин нигоҳлар, синиқ овозлар титроғи қалбимга кирди.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

ҲУШЁРЛИК ОШИРИЛДИ

Жорий йилнинг 18 сентябридан бошлаб Германия ҳудудида юқори даражали террорчилик хавфи эълон қилинди



Мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида алоҳида хавфсизлик чоралари жорий қилинган. Кўчаларда броножелет кийган ва автоматлар билан қуролланган полициячилар навбатчилик қилишмоқда.

Матбуот хабарларига қараганда, мамлакатда 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайлов арафасида "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳи жонланиб қолган. Улар сайлов арафасида қатор хунрезликларни амалга оширишни режалаштирган. Террорчилар Германия ҳукуматидан Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилишаяпти.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ТААССУФ

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

ёки Косонсой туман тиббиёт бирлашмасидаги ачинарли аҳвол хусусида

Мамлакатимизда кўпгина соҳалар сингари тиббиётга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Жойларда ўнлаб, юзлаб янги шифохоналар қурилди, замонавий тиббий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Юртбошимизнинг раҳнамолигида соҳага жиддий ғамхўрлик қилинмоқда. Айниқса, билимли, дунё ҳавас қиладиган шифокор-кадрлар тайёрлашга ҳар қачонгидан талаб ҳам, эътибор ҳам ошди. Бу имкониятлар халқимиз саломатлигини тиклаш йўлидаги самарали, эзгу қадамлар туфайли рўёбга чиқмоқда.

Косонсой — Наманган вилоятининг кўркам, ўз ўрнига эга туманларидан бири. Бу ерда ажойиб, моҳир тиббиёт ходимлари кўп. Эл саломатлиги йўлида қилинаётган намунали ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо соҳага масъул айрим кишиларнинг эътиборсизлиги боис, бу ерда баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Сўз шу ҳақда.

Дарҳақиқат, табиати бағоят гўзал, бағрикенг ва меҳнаткаш аҳолисининг инсоний сифатлари ундан-да гўзал, миришкор ва меҳмондўст косонсойликларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси қай даражада экан? Биз ана шу саволларга жавоб топмоқ ниятида Косонсойга отландик. Бу савол билан дастлаб Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Зокирхон Рустамовга мурожаат этдик. У киши умумийроқ қилиб шундай деди:

— Ҳар ҳолда ёмон эмас. Аммо... журналистларнинг кўзи ўткирроқ бўлади, дейишади. Камчиликлар аниқланса, тўғри қабул қиламиз...

Косонсой ҳудудига кириб бораверишда, катта йўл ёқасида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қўқимбой қишлоқ шифохонаси жойлашган экан. Беихтиёр у ерга кириб ўтишга қарор қилдик.

Қўқимбой — туманнинг аҳолиси гавжум ва кўплаб ноз-неъматларни етиштириб берувчи йирик қишлоқларидан бири.

Аммо минг афсуски, шифохонага бош суқиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Сабаби одатда, шифохона деганда одамнинг таъбига ўтирадиган, озода, ёруғ ва шинам палаталардан иборат, беморлар ташвишида елиб-югурган, жонкуяр ва очиқ чеҳрали врачлар ва ҳамширалари билан файзли даргоҳ кўз олдимизга келади. Бу ерда-чи?

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ФОШ БЎЛГАН НАЙРАНГ


2009 йилнинг 13 январи. «Тошкент» халқаро аэропорти. Бу масканни нафақат пойтахтимиз, балки Ватанимиз дарвозаси, дея бежиз атамайдилар. Чунки аэропорт ҳудудидан мамлакатимизнинг давлат чегараси ҳам ўтган. Мана, бугун ҳам бир гуруҳ фуқаролар хориж сафарига йўл олаяптилар. «Тошкент - Лондон» йўналиши бўйича учадиган самолётга чипта олган йўловчилар бирин-кетин учиш залига кириб келишади. Йўловчилар, айниқса, бундай олис сафарга биринчи бор отланганларнинг юзида ҳаяжон, юришturishи, ҳаракатларида шошма-шошарлик ҳам сезилади. Ҳаммаси ҳужжатларини тезроқ расмийлаштириб, маҳобатли ҳаво кемасида ўз жойини эгаллашни истайди.

Аммо йўловчилар орасидаги бу ғалвурларнинг аэропорт хизматчиларига таъсири йўқдек. Улар одатдагидек кундалик вазифаларини адо этмоқдалар. Синчковлик, хушёрлик, диққат-эътибор ва табиийки, хушмуомалалик уларнинг иш фаолиятидаги асосий мезонлардан. Чунки хориж сафарига отланган фуқароларнинг паспорти-ю, визасидан тортиб то йўл чипталаригача, ҳамма-ҳаммаси миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши зарур. Борди-ю, бирон-бир сабаб билан хатолик ўтиб кетиб, у хорижий давлат маъмурлари томонидан аниқлангудек бўлса, анчамунча оворагарчилик, асаббузарликлар юз бериши, кўпдан орзиқиб кутилган чет эл сафари нохуш таассуротлар билан якун топиши ҳам ҳеч гап эмас.

Йўловчилар бирин-кетин чипталарини рўйхатдан ўтказиб, авиация хавфсизлик хизмати, иммиграция, божхона, чегара назоратидан ўтиб бормоқдалар. Бир вақт (кўринишдан чет эллик бўлса керак) 30 ёшлар чамасидаги бир йигит паспортини аэропорт иммиграция назорати ходимига узатди. Назоратчи унинг паспортини қайта-қайта варақлаб, синчиклаб кўриб чиқди. Унда йўловчига нисбатан қандайдир савол пайдо бўлгани сезилиб турарди. Шундай бўлсада, у меҳмонга буни маълум қилиб, изоҳ сўрашга шошилмади. Паспортни ёнидаги ҳамкасбига кўрсатиб, унинг фикрини сўради. Бу вақтда эса паспорт эгасининг безовталиги ортиб, кўзи олазарак бўла бошлади. Қолаверса, навбатда турган йўловчилар ҳам бетоқат бўла бошлашди. Шундан кейин текширувчилар ҳалиги йўловчига саволлари борлигини маълум қилиб, уни бир четга таклиф қилишди. Назорат жараёни яна аввалгидек бир маромда давом этди. Тез орада аэропорт биносини тарк этган йўловчилар самолётга жойлашиб, олис Европа томон парвоз қилишди. Лекин ушбу авиайўналишга чипта олган ҳалиги йўловчи йигит улар орасида йўқ эди. Йўловчиларнинг шовқин-сурони остида унча эътиборни жалб этмаган бу воқеанинг тафсилотлари кейинроқ кўзгатилган жиноят ишини тергов қилиш жараёнида маълум бўлди.

Аниқланишича, иммиграция назирининг шубҳаси бежиз бўлмаган экан. Буни кейинроқ ўтказилган экспертиза хулосаси, расмий идоралардан олинган маълумотлар ҳам тасдиқлади. Ўзини Малайзия фуқароси Салвараж Наина, деб таништирган бу йигитнинг паспорти қалбаки бўлиб чиқди. Қолаверса, унинг Малайзия фуқароси эмаслиги ҳам маълум бўлди. Малайзия давлатининг республикамиздаги элчихонаси шу йил 21 январда юборган расмий хатга кўра, шубҳали йўловчининг паспорти сохта экани аниқланди. Давлат чегарасидан ноқонуний ўтишга уриниш ҳолати бўйича қўзгатилган жиноят ишини Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг ҳайъати атрофлича кўриб чиқди.

Буюк Британия сафарига отланган қонунбузар муҳожир судда таржимон ёрдамида кўрсатма берди. Унинг асл исм-шарифи Ражендрам Тоушентан бўлиб, 1982 йилда Жанубий Осиёдаги Шри-Ланка мамлакатида туғилиб ўсган. Мамлакатда муттасил юз бериб келаётган ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар оқибатида Ражендрам юртини тарк этиб, Малайзия пойтахти Куала Лумпур шаҳрида ҳаёт кечира бошлайди. У шу ердан Буюк Британияга кўчиб бориб, у ерда муқим яшаб қолишни ният қилади. Лекин Британия маъмурлари томондан белгиланган тартибга кўра, Шри-Ланка паспорти билан Қироллик тупроғига қадам босишнинг имкони йўқ эди. Шу сабаб у аввало Малайзия фуқароси паспортини қўлга киритиш, шундан кейингина Лондонга сафар қилишни режалаштиради. Р.Тоушентан Куала-Лумпурда 5 минг АҚШ доллари эвазига Кумар деган кимса орқали ўзига Малайзия паспортини расмийлаштиришга эришади. Малайзия паспорти унга Буюк Британия ҳудудига визасиз кириш имкониятини берар эди. Кумар унга «Куала Лумпур - Тошкент» йўналиши бўйича учадиган самолётга чипта олиб берди. Ушбу рейсда Кумарнинг жиноий шериги – асли ўзбекистонлик бўлган Зинаида Шаматова ҳам учиб келган бўлиб, у шри-ланкаликка таржимонлик қилиши, унинг Тошкентдаги барча муаммоларини ҳал қилиб, Лондонга учириб юбориши зарур эди.



Мавжуд тартибга кўра, шу йил 6 январь куни Малайзиядан учиб келган Р.Тоушентан, кириш-чиқиш ва фуқаролик бўлимида рўйхатдан ўтиши, қонуний фаолият юритаётган меҳмонхонага жойлашиши зарур эди. Аммо меҳмонхонага расмийлаштириш вақтида нариданбери тайёрланган қалбаки паспорт сири фош бўлиб қолиши, жиноий режанинг чиппакка чиқиш эҳтимоли ҳам катта эди. Шунинг учун муҳожирнинг йўл бошловчиси З.Шаматова ва унинг ҳамтовоқлари бошқача йўл тутишди. Таксичи М.Жалилов ёрдамида шри-ланкалик фуқарони А.Мамедовнинг Яккасарой туманида жойлашган квартирасига вақтинча жойлаштиришди ва у бу ерда 13 январгача ноқонуний равишда яшаб келди.

Аввал Р.Тоушентаннинг қалбаки паспорт билан юргани меҳмонхонага бормай яширилган бўлса, энди унинг қайд этилмаган ҳолда Тошкентда яшаб келганини «силлиқлаш» учун яна бир фирибгарликка қўл урилди. Бунинг учун З.Шаматова «Кауфман» меҳмонхонаси маъмури Жамшид Каримовга мурожаат қилади. У эса меҳмонхона директори Дилшод Азизбердиевдан ёрдам сўрайди. Д.Азизбердиев эса таниши «STELLA ERRANS» МЧЖ менеджери Шаҳноза Шариповага мурожаат қилади. Жиноий келишув натижасида Ш.Шарипова 60 минг сўм эвазига Самарқанд шаҳрида жойлашган «Самарқанд» меҳмонхонасининг қалбаки квитанциясини тайёрлаб беради. Квитанциядаги Малайзия фуқароси Салвараж Наина ушбу меҳмонхонада 2009 йил 7 январидан 12 январигача истиқомат қилгани битилган эди. Бир қарашда ҳеч бир шубҳа уйғотмайдиган бу ҳужжат ҳам жиноий гуруҳ аъзоларини тўла қониқтирмади. Янада ишонарли бўлиши учун Д.Азизбердиев Салвараж Наина гўёки 12 январда Самарқанддан Тошкентга келиб 13 январгача «Хадра» меҳмонхонасида яшаган, дея рўйхатдан ўтказди.

Ана шу тариқа бир қанча фирибгарликлар билан ноқонуний муҳожирнинг Лондонга учадиган куни - 13 январь ҳам келди. Худди ана шу куни «Тошкент» халқаро аэропортида юз берган воқеа жиноий гуруҳ аъзоларининг бирма-бир фош этилишига сабаб бўлди. З.Шаматова «малайзиялик» меҳмоннинг ҳужжатлари текширувчиларда шубҳа уйғотгани ҳақидаги хабарни аэропортда эшитди. Устамон йўл бошловчи аёл суритирув бошланса, тез орада ўзи ҳам қўлга олинишига кўзи етди ва шу ердан номаълум томонга ғойиб бўлди. Ҳозирда унга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қидирув эълон қилинган.

Шундай қилиб, иммиграция хизмати ходимининг хушёрлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тезкор тадбирлари натижасида ноқонуний муҳожирнинг қалтис сафарига Ўзбекистонда нуқта қўйилди. Шри-Ланка фуқароси, шунингдек, унинг ғайриқонуний сафарига ёрдам берган фуқароларимизнинг қилмишларига одил суд ҳайъати муносиб баҳони берди. Суд ҳукмига кўра, Шри-Ланка фуқароси Р.Тоушентан Ўзбекистон Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган «Ҳужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш», «Ҳужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш» ҳамда «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» жиноятларини содир этганликда айбдор деб топилиб, 5 йил-у, 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, хорижий давлат фуқаросининг ғайриқонуний фаолиятига кўмак берган республикамиз фуқароларининг ҳар бирига шартли равишда 3 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Ноқонуний муҳожирлик, одам савдоси ҳозирги замоннинг энг оғриқли нуқталаридан бўлиб турибди. БМТ ва бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон ҳам давлат муассасалари, кенг жамоатчилик орқали ушбу жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқдалар. Шундай бўлса-да, тўхтовсиз даромад орттириш мақсадида мақоламиз қаҳрамонлари каби жиноят йўлига кираётган кимсаларнинг онда-сонда бўлса-да, учраб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

К.ҚОДИРОВ

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

(Бошланиши 1-бетда)

Девор сувоқлари кўчиб, рангини фарқлаш қийин ҳолатга тушган, оёқ остидаги тахталар эса чириб аянчли аҳволга келган, беморлар ётган палаталар ғоят ифлос ва санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган, гўёки одамлар даволанадиган муассаса эмас, балки бошқа қандайдир бир ташландиқ жойга кириб қолгандек эдик.

Бу ерда ҳатто сув деган неъмат муаммо экан, у ён-атрофдаги экинзорлар оралаб ўтадиган арикдан ташиб келтириларкан.

— Келгуси йили бу муаммоларимиз ҳал бўлиши кутилаяпти, — дейди шифохона раҳбари Баҳодир Мирзаахмедов хижолат чеккандай.

— Бор нарсани баҳоли қудрат эпақага келтириб, ювиб-тозалаб, озодароқ тутиб ишлатиш мумкин эмасмикин?

— Ҳисобга оламиз...

Беморлар кроватлардаги эски ва увадаси чиққан матрас-у, чойшабларга кўнгли чопмай, ўз уйларидан келтирилган "ранго-ранг" кўрпа-тўшакларда ётишибди.

— Беморлар юз фоиз ўзлари сотиб олиб келишаётган дори-дармонлар билангина даволанишаётган экан, бунинг сабаби нимада? — деб сўраймиз яна.

— Марказий шифохонадан бериладиган дорилар вақтинча тўхтаб турганидан кейин...

— Бунинг сабаби нимада?

— ...

Биз оддий бир қишлоқ шифохонасидаги бундай ҳолатга дуч келгач, "тумандаги катта касалхоналарда аҳвол намунали бўлса керак" деган ўйда марказий касалхона томон йўл олдик.

Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини шу ерда қатор йиллардан буён бош ҳакимнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган Раҳим Абдуллаев вақтинчалик бажараётган экан. Бирлашма ҳаёти билан атрофлича танишар эканмиз, бошлиқни бир мартагина учратдик, холос. У биз билан деярли суҳбат қурмади ҳисоб. Турли баҳоналар билан қаергадир кетганича, бошқа кўринмади.

Туман марказий касалхонасидаги айрим бўлимларнинг мудирлари-ю, даволовчи врачларини ҳам иш жойида учратмадик. Масалан, асаб касалликлари бўлими мудири Ёқуб Нурматовни ва даволовчи врач Тоҳир Абдуллаевни суриштирсак, кимдир "рўзачилик" деса, яна кимдир "дўхтур ҳам касал бўлишга ҳақли-ку?" дейишди киноядан оҳангда.

Марказий шифохонанинг болалар бўлимида ҳам, асаб касалликлари бўлимида ҳам ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганга ўхшайди. Негаки палаталардаги эски инвентарлар ачинарли аҳволда, санитария гигиена талабларига деярли риоя қилинмайди. Энг ачинарлиси, юқорида айтганимиздек, шифохона ҳисобидан дори-дармон берилмайди (шифохонада тайёрланиши мумкин бўлган айрим дориларни тайёрлаш учун эса сув йўқ, насос ишдан чиққан эмиш). Беморлар оддий пахта, этил спиртидан тортиб глюкоза, витамин, таблеткалар-у, шприц ёки тиббий қўлқопгача, умуман жамики зарур воситалар ва дори-дармонларни бирлашма ҳудудида қўзиқориндек болалаб кетган хусусий дорихоналардан сотиб олишга мажбур. Буни илгари ҳам, ҳозир ҳам дори-дармон таъминоти билан "шуғулланиб" келаётган, айни пайтдаги вақтинчалик бошлиқ вазифасини бажарувчидан суриштиришга тўғри келади. Эҳтимол шунда давлат томонидан ҳамда хайрия ва ҳомийлик йўллари билан етказиб берилаётган дори-дармонлар қандай сарфланаётгани маълум бўлар.

Бугунги энг долзарб масалалардан бири — тиббиёт ходимлари таркибини ёш мутахассислар ҳисобига бойитиб бориш қай аҳволда экани билан қизикдик. Марказий шифохона кадрлар бўлими бошлиғи Лобархон Акбарова тиббиёт олий ўқув даргоҳларини битириб келиб, ишга жойлашаётганлар ҳақида бирон нима деёлмади. Гапни ўрта бўғин кадрларни ишга олиш масаласига бурди.

— Ишга қабул қилаяпмиз, албатта. Айниқса, тиббиёт коллежларини битирганларни...

— Масалан, бу йил ўзларингиздаги Косонсой тиббиёт коллежи битирувчиларидан неча нафари ишга қабул қилинди? — қизиқиб сўрадик.

— Гапнинг очиғи... тўрт нафарини ҳамшираликка, 26 нафарини эса фаррошликка қабул қилдик...

Ҳамшираликка коллеж битирувчиларидан 4 нафари қабул қилингани тушунарли, аммо... фаррошликка коллежни битирган 26 нафар ёшнинг қабул қилингани ажабланарлидек туюлди бизга.

Маълум бўлишича, Косонсой тиббиёт бирлашмасида 1340 нафар ўрта тиббиёт ходими (штат бирлиги 872 та) мавжуд бўлиб, ҳозир уларнинг 342 нафари таътилда экан. Туман ҳокимлиги томонидан тиббиёт коллежининг бу йилги битирувчиларидан 90 нафари ишга қабул қилиниши белгиланган бўлишига қарамай, юқорида айтилганидай тўрттасигина ҳамшираликка ва 26 нафари фаррошликка қабул қилинибди! Тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги марказий касалхонага қарашли бўлимларгина эмас, балки сил касалликлари диспансери ва юқумли касалликлар шифохонасидаги антисанитария ҳолати-ю, туман бўйича турли юқумли касалликларнинг кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бораётганининг сабаби бу жойда бугунги кун талаби даражасида иш олиб борилмаётганидан, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг гўё Косонсойга алоқаси йўқдай иш тутилаётганидан эмасмикан деган хаёлга бордик.

Лоқайдлик, бепарволик — иллат. Унга ўз вақтида чора кўрилмаса, касални яширган билан, барибир иситмаси ошкор қилади. Бу айниқса, инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган соҳа — тиббиётда яхшиликка олиб келмайди.Бу оддий ҳақиқатни мабодо Косонсойдаги масъуллар унутишган бўлса, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги мутасаддилар эсдан чиқаришмагандир?

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ҲУҚУҚ

Миллий қадриятларга асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёш авлоднинг ўрни беқиёс экани сир эмас. Зотан, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқнинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Ёшлар эса жамиятимизнинг туб негизи, келажакнинг ишончли эгаларидир.

Ёшлар камолоти йўлида мустаҳкам пойдевор

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра бола дунёга келиши билан ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда бу ҳуқуқлар давлат томонидан кафолатланади. Шу ўринда айтиш мумкинки, мамлакатимиз ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Булар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция ҳисобланади. Етим болаларни ва ота-она қармоғидан марҳум бўлган болаларни ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими ва самарадорлигини ошириш учун ўтган йилнинг 8 январь куни республикамизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги 4 боб, 32 моддадан иборат қонун ҳам қабул қилинган.

Шунингдек, мамлакатимиз ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган асосий конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Шу жумладан, 2008 йил "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь)ни ратификация қилиш ҳақида"ги, "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар қабул қилинди. Президентимиз томонидан 2008 йилнинг 16 апрелида имзоланган "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, давлатимиз Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг амалда кенг татбиқ этилаётгани аввало миллий қонунчилигимизнинг ривож топиб, янада такомиллашишига, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси аввало ёшлар ва уларнинг келажаги учундир.

Зеро, Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, "...бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Маҳсума АРТИҚОВА,
Миробод туман 5-нотариал идора нотариуси.



Кўргазма давом этмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмак" (ICTP) лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 22 сентябрь куни Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги очилди. Тадбирнинг биринчи куни халқаро Бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича еттинчи миллий саммит ўтказилди.

24 сентябрь куни эса кўргазма-савдо марказида DjcsVision Share Server бизнес жараёнлари ва ҳужжатларни бошқарув тизимининг интегратив ечимининг жорий қилинишига бағишланган кўргазма ташкил этилади. Бундан ташқари, ўша куни Германиянинг "Техник ҳамкорлик иқтисодиётга кўмак" ҳамда "АКТ соҳасида профессионал таълим жамияти" лойиҳаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтади.

Шунингдек, ўтказилиши кутилаётган Connec Score Card — телекоммуникация тармоқларида ахборотни ҳимоялаш, ахборот хавфсизлиги ечимлари ва электрон рақамли имзо, Ўзбекистонда интернет-провайдрларнинг ривожланиш муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари ҳамда "Ўқув муассасаларида йилнинг энг яхши кутубхона ходими" кўрик-танловининг республика босқичи кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлиши мумкин.

АКТ ҳафталиги — "InfoCom— 2009" кўргазмаси 25 сентябргача давом этади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat"мухбири.

Фарғона аэропорти янги қиёфада

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Фарғона шаҳрини 2008-2009 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар" Давлат дастури асосида жадал иш олиб борилмоқда. Жумладан, Фарғона аэропортини энг замонавий ва халқаро андозаларга мослаштириш, йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари ҳам амалга оширилаяпти.

— Самолётларга техник хизмат кўрсатиш савиясини халқаро талаблар даражасига етказиб, сертификат олдик, — дейди аэропорт директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Муродилжон Мадаминов. — Қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди ҳисоб. Янгича қиёфадаги кутиш ва кузатув заллари, авиакассалар, пайнет тизими, савдо ва матбуот дўконлари ишлай бошлади.

Аэропорт маъмурияти эндиликда бир соат ичида 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Авиабилетлар ҳам 17-18 минг сўмга арзонлаштирилди. Ногирон ва пенсионерларга, ўсмир ёшларга эса имтиёзлар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

Эътироф

Ал Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикаси фан арбоби Ҳамдам Абдуллаев заҳматкаш олимлардан бири. У 1963 йилдан буён Урганч давлат университетида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Олим илмий изланишларининг катта қисми фольклор ва ёзма адабий асарларнинг генезиси ва бадияти масалаларига бағишланган. Унинг бу йўналишдаги қадимий "Авесто" китоби, шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий асарларига оид кузатишлари, тадқиқотларини тилга олиш жоиз. Ҳ.Абдуллаев малакали илмий педагогик мутахассис кадрлар тайёрлаш, олий ва ўрта таълим мактаблари учун қўлланмалар, ўқув адабиётлари, дастурлар яратишда ҳам фаол иштирок этмоқда. "Қардош халқлар адабиёти", "Ўзбек адабиёти" бўйича тузилган янги дастурлар муаллифларидан биридир.

Яқинда олимнинг муборак ёши воҳада кенг нишонланди.

Ўз мухбиримиз.

Меҳнат ярмаркасида ёшлар ишли бўлишди

Яқинда Ғузор маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлаш мақсадида навбатдаги "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ташкил этилди.

— Тадбирда 28 та хўжалик юритувчи субъект 257 та бўш иш ўрни билан қатнашди, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи маркази директори Феруз Эргашев. — Эътиборли жиҳати, меҳнат ярмаркасида 256 нафар ёшнинг аризаси қабул қилиниб, уларнинг 158 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. 78 нафар йигит-қизга эса меҳнат қонунчилиги юзасидан тегишли маслаҳатлар тавсия этилди.

Гулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ

унинг қиёфаси, эртанги истиқболи ҳақида

Иккинчи мақола



6. Берилиб ишлайдиган кишилар мўъжиза яратади

Мен бир мўйсафидни биламан — кўклам келиши билан у дов-дастгоҳини йиғиштириб даштга чиқиб кетади. Қачондир бир парча ер очган, боғ-роғ қилган. Ҳеч эринмайди. Бир дарахт тутмаса, ўрнига бошқа ниҳол экади, уни пайванд қилади, парвариш қилади, хуллас, қирт-қирт ишлайди, ишлаганда ҳам берилиб ишлайди.

Берилиб ишлайдиган одамлар мўъжиза яратади. Бунга иқрор бўлиш учун узоққа бориш шарт эмас. Мана, Асака. Автомобиль корхонаси. Ҳайбатли, айни пайтда кўғирчоқдай бежирим, кўҳлик. Биринчи цехга металл ўрами шаклида кирган хомашё охирги цехдан кўзни олувчи автоулов шамойилида чиқиб кетади. Ўтган асрнинг охирида россиялик бир журналист автомобиль заводини айланиб чиққач, Қўқон аравага йўнғичқа ортиб келаётган мўйсафидга кўзи тушади. Беихтиёр ўгирилиб, ортимга қарадим, деб ёзади у, кенг майдонда машиналар мунчоқдай тизилиб турибди. Бу ёқда — Қўқон арава. Шу мўъжиза чиндан ҳам Ўзбекистонда бўлганига ишонгим келмайди...

"Зарафшон-Ньюмонт", "СамКочавто", Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси ёки бўлмаса, муаззам кўприклар, янги темир йўллар, Қамчиқ довонини кесиб ўтган автомагистрал мўъжиза эмасми?! Шаҳарларимиздаги, ҳаётимиздаги ўзгаришлар, юзлаб ўғил-қизларимизнинг жаҳон миқёсида балқиб рўёбга чиқиши мўъжиза эмасми?!

Собиқ Югославияда, мамлакатнинг у четидан бу четига қадар чўзилган бир темир йўл бўлар эди, у виқорли тоғлар орасидан ўтади. Кўрсангиз, дорбознинг арқоними дейсиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Шу йўлни талабалар қурган, олти ой ичида. Зарбдор қурилиш деб ишга киришган ва охирига етказишган.

Одамни берилиб ишлашга ундайдиган нима? Ватанга муҳаббат! Қўнғироқ садоси янглиғ сергак торттириб, кўнгилни ларзага соладиган ва узлуксиз олдинга ундайдиган — шу! Унибўсган заминни жондан азиз кўриб, уни яшнатиш ишқида тинчидан кечган одам шундай ишлар қилади.

Ўзим униб-ўсган қишлоғим — Навбаҳор туманидаги Ғужбоғда шунча яшаб, шундай бир жонкуярни кўрган эмасман. Кейинги вақтда улар, ҳатто зиёлилар бирон-бир китоб бўйича баҳс этганини билмайман.

Газета ё журнал ўқиш афсуски ҳамқишлоқларимнинг хаёлига келмайди.

Сиз ўйламанг, бу — тоғ бағрида жойлашган, ташқи олам-дан узилиб қолган овлоқ бир қишлоқ экан-да, деб. Йўқ, шаҳарга бир қадам. Яна қандай денг, замонавий, саноатлашган шаҳар. Гап шундаки, ҳозир нашрларнинг баҳоси кўтарилиб кетган. Унга фақат нуфузли корхона ишчилари — ташкилот ҳисобидан — тадбиркорлар, фермерлар обуна бўлиши мумкин. Қишлоқда ҳаёт ўз билганидан қолмайди: болалар мактабга бориши керак, унга уст-бош, китоб-дафтар олиш керак, тағин қозонни қайнатиш учун пахта ёғи, гуруч, ун дегандай...

Буни тушуниш мумкин, лекин мени бир нарса ўйлантиради: биз ўз ўтмишимиз билан, улуғ аждодларимиз билан фахрланамиз, маърифатли халқмиз деб ифтихор қиламиз. Шундай экан, қишлоқда нега уч-тўрт киши бир бўлиб, бирон-бир газета ёки журналга обуна бўлмайди, қўлма-қўл қилиб уни ўқимайди?

Бизда бундай анъана бўлмаган.

Ундай десак, Пўлкан шоир келганида бутун бир қишлоқ меҳмонхонага жам бўлган, бахши "Алпомиш"ни, "Гўрўғли"ни айтганида, шундай йирик достонларни жон қулоғи билан тинглашган! Ёки бўлмаса, қироатхон бир уй одамга "Ўтган кунлар"ни ўқиб берган, бозиллаган сандал атрофида ўтирганлар эса кўзда ёш билан уни эшитган. Бу қишлоқдан бахшиларнинг қадами узилмаган, ўша — очарчилик йиллари одамлар жам бўлиб, қорачироқ ёруғида ўтириб, улар айтган достонларни йиғлаб тинглаган. Ҳозирги ёшлар ўша одамларнинг авлоди-ку! Уларнинг томирида ўша — маърифатга ташна инсон қони оқмоқда. Шукурким, дунё тескари айланиб кетгани йўқ, шукурким, дастурхон тўкин, ҳар бир уйда кечқурун қозон қайнайди, китоб, газета-журнал ўқишга истаганча вақт топилади. Лекин...

7. Раҳбарлик нима: мартабами ёхуд фидойилик?

Биз кўпинча ҳаётга бир ёқлама қарашга одатланиб қолганмиз. Тақчиллик, деймиз, вассалом. Айлантириб келиб, барчасини шароитга тақаймиз, ўзимиз эса қўл қовуштириб ўтираверамиз.

Ҳолбуки, кунда, кунора тўй. Ҳозир анъанавий тўйлардан ташқари бешик ва мучал тўйлари ҳам русумга кирган, шундай асъаса-ю, дабдаба билан тўй бериладики, ҳайрон қоласан киши. Наҳорда — ош, тушга довур дастурхон ёзиғлиқ, ҳали у таом, ҳали бу таом. Ичкиликнинг кети узилмайди.

Ҳа, дарвоқе, ичкилик ҳақида.

Ёшлар учун энг азиз "неъмат" — шу. Тўрттасининг боши бирикса, усиз ўтириш "татимайди".

Бу савилга қаёқдан пул топила қолар экан?!

Битта китоб харид қилиш — муаммо.

Сув муаммо.

Бир ҳамқишлоғим ишсизликдан нолиди. Ҳарбий хизматдан келганига уч йил бўлибди. Бир ишга жойлаштиринг, дейди, олти ойдан бери келинингиз кўз очирмайди!

У мени уйига бошлади. Пешайвонда ўтирдик. Келин чой билан бир жуфт нон келтириб қўйди. Хиёл ўтгач, у хонтахтани муштлади.

— Опкел!

Шўрлик аёли югуриб келиб, дастурхонга ароқ билан помидор-бодринг қўйиб кетди.

Мен ҳовлини кўздан кечирдим. Ўн олти сотих томорқа. Маккажўхори экилган. Иккита сигир, бузоқ, олтита қўй. Йигирмата товуқ.

— Нега мева-чева экмайсиз? — деб сўрадим ундан. — Шаҳар яқин, яхши даромад қилиш мумкин!

— Бўлмайди, — деди у. — Орқадаям пича ерим бор, унгаям макка экканман.

— Ароқни ниманинг ҳисобидан оласиз?

У илжайди:

— Бобой билан момой пенсия олади, келинингизни "группа"га чиқариб қўйганман!

Ишлашга ҳам, деҳқончилик қилишга ҳам эҳтиёж йўқ. Уялганидан нолинади, иш йўқ, дейди. Ҳолбуки, бир парча ердан миллионлаб даромад олаётганлар қанча!

Бунинг учун орзу-ҳавас бўлиши керак, интилиш бўлиши керак!

Мана, Қизилтепанинг қишлоқлари. Кўчалар обод, хонадонлар файзли. Шанба, якшанба кунлари ёш-яланг туман марказидаги хиёбонга чиқиб боришади, куй-қўшиқ, турфа ўйин, теннис, кулги ва шеърият кечалари...

Андижонда шаҳарга бақамти бир хўжалик бор, иссиқхонада қишин-ёзин ноз-неъмат етиштирилади. Жамоага бош бўлган оқсоқол Усмонали Қурбонов билан гурунг қилиб, ҳайрон қолганман. Ерга уруғ қадашдан олдин у қачон униб чиқади, қайси кун ишлов бериш керак, қачон гулга киради ва қайси кун ҳосил етилади, шунда унинг нархи қайси бозорда қанча бўлади, ҳамма-ҳаммасини ипидан-игнасигача билади...

Бешариқдаги "Рапқон" хўжалиги тўқсонинчи йилларда саккизта болалар боғчасини узлуксиз таъминлаб келган. Юзлаб қишлоқ болалари спорт, бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланган. Ҳатто улар касб-ҳунар ўргансин деб шарт-шароит яратиб берилган.

1997 йили мен бу хўжаликда консерва, пойабзал, мебель ишлаб чиқарадиган, ипак ва тола йигирадиган, гилам тўқийдиган ўнлаб цехлар, новвойхона, сартарошхона, оқ-жувоз, тегирмон гуриллаб ишлаб турганини кўриб, лол-у ҳайрон қолганман.

Нега бизнинг қишлоқда шундай қилиш мумкин эмас?

"Энди, ука, бизда одамлар ишламаса туролмайди, — деган эди рапқонлик оқсоқоллардан бири Аҳмаджон Маматов. — Ўзимизнинг ёрдамчи хўжалигимиз бор. Боғимиз бор. Теракзоримиз бор. Шунинг бари саксон аъзомизнинг мулки-давлати ҳисобланади. Иморат қилса, нечта терак лозим бўлса, олади. Тўй қилса, ёрдамчи хўжаликдан қўйми, ҳўкизми, нима керак бўлса, уни ҳам олади. Гуруч дейсизми, сабзи-пиёз дейсизми, ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Жамоамиз бир тотув оилага ўхшайди. Шундай бўлгач, ишлайди-да, ишласа дастурхон — тўкин, турмуши фаровон бўлади, умридан барака топади!

Кўп жойда кўраман, ариқ четини ўт босиб ётади. Ахир, у ҳам ер-ку! Унга ҳам бир нима экса бўлади-ку! Деҳқонман деган бир қарич ерни ҳам ташлаб қўймайди. Биз шундай қиламиз".

Заминга меҳрини берган одам тер тўкади, пешона тери турмушга файз киритади.

Қишлоққа саноатни олиб кириш керак, деб Президентимиз узлуксиз таъкидлайди. Ҳаётнинг эса шахсий турмушингни яхшилайдиган соғин сигир деб қаровчи маҳаллий раҳбарлар оз эмас. Шунинг оқибатида қишлоқда ўзгариш суст, ислоҳот қийин кечаётир. Кўп ишлар давлатнинг зиммасига тушмоқда...

Ҳозирги раҳбар, энг аввало, хўжаликни ўз оиласидай азиз билиши, унинг фаровонлиги йўлида ўз оромидан кечиши, зарур бўлса, қаловини топиб қорни ёндира олиши керак.

Яқинда мен иш юзасидан Элликқалъада бўлдим, у бизнинг туман билан бир кунда ташкил топган, тағин чўлнинг қоқ ўртасида. Аммо яшнаб кетган, туман маркази унча-мунча шаҳардан қолишмайди. Арчазор хиёбонлар. Кинотеатрлар. Супермаркетлар. Меҳмонхоналар. Санъат саройи...

Туманда олтита касб-ҳунар коллежи қад ростлаб турибди. Қўшма корхоналар, академик лицейлар, бундан ташқари, ёш санъаткорларнинг Отажон Худойшукуров хотира кўрик-танлови ўтиши анъанага айланган.

Яқинда ишга туширилган Ақчакўл бўйидаги "Орол болалари" дам олиш масканларини айтмай қўя қолай, ҳатто қишлоқларни айлансангиз, тароватига маҳлиё бўласиз.

Шунда мен ички бир ўкинч билан ўзим униб-ўсган жойлар ҳақида ўйлайман. Бу ерда ҳам хиёбонлар, боғ-роғлар қилиш мумкин эди. Бунинг учун ортиқча маблағ ҳам керак эмас, кўклам келиши билан улусни шунга сафарбар этиш кифоя.

"Элтекс" қўшма корхонаси билан бир вақтда Зарафшон дарёси бўйида "Навоийтекс" қурила бошланган, лекин унинг "қовурға"си тикланди-ю, шундай қолиб кетди.

Ҳар гал қишлоққа ўтганда мажмуанинг чала ётган қурилишига кўзим тушади, юрагим эзилиб кетади. Шундай йирик туманда биронта тузукроқ саноат корхонаси йўқ.

Қанақа одам ўзи булар, туманнинг раҳбарлари? Ишдан четлатилса, янада "қўқим" жойга ўтади ва уни ҳам кемира бошлайди...

Қишлоқ деганда қари-қартанг бўлади, нима кўп, уларда бўш вақт кўп. Зиқланганида уйдан чиқиб, бориб оёқни узатиб ўтирадиган, гурунглашадиган бир чойхона қуриш шунчалик қийинми?

8. "Қур, ярат, денг..."

Водийга йўлингиз тушса агар, кўчанинг икки тарафи кўкка бўй чўзган тераклар билан қопланганини кўриб, кўнглингиз орзиқади. Киприкдек тизилган дов-дарахт ярим белига довур оқлаб қўйилган, обод маҳаллалар, янги гузарлар, қўшма корхоналар, лицей ва коллежлар, маънавият уйлари одамнинг ҳавасини келтиради.

Тонг саҳарда келинчаклар чиқиб кўчани супуриб-сидиради, буни кўриб, енгил тин оласиз, қандай ажойиб халқимиз бор-а, деб миннатдор бўласиз. Аслида ҳам, саранжом-саришталик мана шундан бошланади. Беихтиёр ўзингиз узлуксиз қатнайдиган ва йиллаб супурги тегмайдиган афтодаҳол кўчалар хаёлингиздан ўтади. Оғир бир юк елкангиздан боса бошлайди.

Нима дейишни ҳам билмайсан, киши.

Мен шу қишлоқда унибўсдим.

Ундан хиёл узоқлашсам, соғинч жонимни ўртайди. Мана, бугун унинг оғушидаман, камикўсти кўзимга ташланаётир. Ҳар ҳолда, кўчада тош тепиб овуниб юрган болалар — XXI асрнинг одамлари-ку!

Халқимиз шундайки, биров савоб ишга қўл урса, бир четда қараб турмайди, тезда бош қўшади. Шунда қишлоқдаги ислоҳотларнинг ўзи раҳбарга имкон яратиб бера бошлайди...

Қур, ярат денг
ҳайқир денг,
жўш денг,
Шундай яшар
одатда одам.

9. Энг азиз туйғу

Куни кеча тағин қишлоққа йўлим тушди, йўлнинг икки тарафида навниҳол кўчатлар киприкдек тизилиб турибди, ариқлар тозаланган, бир яшариш бошлангандай, гўё. Бир вақтлар чала қолган қўшма корхона ниҳоят ишга тушибди. Демак, янги ҳоким ишга астойдил киришган, деб ўйладим. Кўнглим ёришиб кетди. Кимдир унинг қаттиққўл эканидан норози. Лекин муҳими бу эмас, муҳими, Юртбошимиз айтганидек, одамларнинг бошини бириктириш, уларни ўз ортидан эргаштириш ва савоб ишларга, яратиш ишига сафарбар этишдир. Бу эса одамларнинг саъй-ҳаракатида кўзга ташланиб турибди...

Кўчада камон кўтарган болалар айланишиб юрибди, улар дарахт шохидаги қушни уриб тушириш учун пайт пойлайди. Беихтиёр бир воқеа хаёлимдан ўтади. Адриатика денгизи соҳилида чиройли кийинган ширинтой ўқувчилар бизнинг рўпарамиздан чиқишган. Улар табиат дарсини табиат қўйнида ўтишар экан.

Этак — майсазор, навниҳол кўчатлар киприкдай тизилиб турибди, ундан нари — тоғ, ям-яшил арча билан қопланган.

Қўққисдан бир сайёҳ дуркун ниҳолни босиб-янчиб майсазорга ўтди, шунда уч-тўрт ўқувчи бирваракайига югуриб келиб, эҳтиётлаб ниҳолнинг қаддини тиклашди.

Улар сайёҳнинг хатти-ҳаракатидан хафа бўлишгани, ўша ниҳолга жони ачигани шундоқ сезилиб турар эди, улар сайёҳга бундай қилмаслик керак, дегандай ёзғириб қарашди.

Ватаннинг ҳар бир гиёҳини, одамларга яхшилик олиб келадиган саъй-ҳаракатни киприкда авайлаб-асраш...

Бу — азиз туйғу. Қани энди, ҳар бир фарзанд нигоҳида шундай туйғу балқиб турса!

Ғаффор ҲОТАМ

Таҳририятга хатлар

Компьютер совға қилинди

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурининг бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган Маъсуджон Носиров раҳбарлигидаги "Мастона" улгуржи ва чакана савдо маркази" МЧЖ жамоаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Савдо маркази жамоаси ҳомийлик ёрдами сифатида Данғара туманининг "Данғара" газетасига энг замонавий компьютер жамланмасини совға қилди. Туҳфани газета жамоасига туман ҳокими Шуҳратжон Абдусаломов топширди.

Бу совға Баҳодир Юнусалиев муҳаррирлик қилаётган таҳририят жамоасини руҳлантириб юборди. Эндиликда таҳририятда газетанинг ҳар бир сонининг тез ва сифатли тайёрлаш имконияти яратилди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ
Фарғона вилояти.

Маданият кўп нарсани белгилайди

Маданият тушунчаси замирида инсоннинг энг гўзал ва бетакрор фазилатлари ўз аксини топади. Кимки гапиришда ҳам, кийинишда ҳам, ота-боболаридан қолган удумларни давом эттиришда ҳам соҳтакорликка йўл қўймаса, уни чинакам миллат қаҳрамони десак, ўринли бўлади. Лекин хулқ-атвори, сўзлашиш одобини ўзга миллатга тақлид қилган ҳолда амалга оширса-чи?

Инсонда кийим — шакл бўлса, мазмун — ахлоқдир. Баъзи ота-оналарнинг қизи бозорга чиқиб, шим ва тор кофталарни харид қилишига қай виждон билан йўл қўйишига умуман тушунмайман. Баъзи маърифатли инсонларнинг фикрларича, ёшларнинг ўзга маданиятга ўтиб кетишларига турли жанрдаги сериаллар намойиши сабаб эмиш. Аммо бунга унча ҳам қўшилмайман. Зангори экран орқали тақдим этилаётган чет эл сериаллари ҳеч кимни "Сиз ҳам шундай кийининг" деб мажбур қилгани йўқ. Аксинча, улар ўз маданиятини намоён қилмоқда холос. Ўз ички маданиятига эга инсон ўзини кулгига қўймасдан, миллати ва миллийлигини жаҳонга танитиш ва кўрсатишга қодир.

Баҳром МАЛИКОВ
Тошкент шаҳри.

Чин дўст

Риштон туманида кўплаб олим-у, шоирлар, қўли гул ҳунармандлар, саховатпеша инсонлар яшаб ўтганлар. Улардан бири навоий-шунос олим, шоир Боқий домла бўлганлар.

Айтишларича, 1938 йили Боқий домла оиласи билан Тошкентга кўчиб кетади. Пойтахтда уларнинг тирикчиликлари анчайин оғир кечади. Чунки оила катта, фарзанд кўп, улар фақат Боқий домланинг маошига кун кечиришарди. Кунларнинг бирида уйларида сигулликка ҳеч нима қолмаган пайтида домла мисдан қилинган ёгдонларини сотиш мақсадида ёгдонни тозалаб, бозорга равона бўлади. Йўлда ёзувчи Собир Абдулла учраб қолади ва салом-аликдан сўнг домладан қаёққа кетаётганини сўрайди. Боқий домла қўлидаги ёгдонни кўрсатиб, тирикчилик зарурияти учун уни сотишга олиб кетаётганини айтади.

Шундан сўнг Собир Абдулла тезда давлатнинг ўша пайтдаги раҳбарлари қабулига боради. Илм аҳли вакилларига бўлган ҳурмат боис домлага ёрдам учун кийим-кечак, озиқ-овқат, ёқиш учун ўтин юборилади. Домланинг ойлик иш ҳақи ҳам анча ошириб берилади.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА
Риштон тумани.

Ёшлар жиддий газеталарни нега кам ўқишади?

Газета инсон ҳаётида қандай роль ўйнайди? Ва жамиятда қайси газеталарга талаб бор? Бу каби саволлар нафақат журналистларни, балки кенг жамоатчиликни ҳам ўйлантириши шубҳасиз.

Яқинда бир синфдош дугонам журналистика факультетида ўқияпсан, нега палончи газеталарга ҳеч нарса ёзмайсан, деб бир нечта "кўча" газеталарини айтди. Унга мен давлат (расмий) газеталарига амалиётга боришимни, мақолаларим ўша газеталарда чиқишини айттанимда, бу газеталарни ўқимайман-да, деб елка қисиб қўя қолди.

Дарҳақиқат, кўпгина ёшлар негадир асосан енгил-елпи газеталарга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Аммо бу қанчалик тўғри? Қизиқарли маълумотлар-у, янгиланган рекордлар, севги-муҳаббат тарихи, интернет хабарларининг таржималари ёки санъат соҳасидаги миш-мишлар... Наҳот, ҳаётда бундан бошқа ҳеч қандай мавзу бўлмаса!?

Масаланинг яна бир томони, кўп ҳолларда расмий газеталарда ишлаётган журналистларнинг танқидий мақолаларни кўпам ёзмаслиги ёки муаммоларни очиқ-ойдин эфирда ёритмаётганликда айбланади. Бу фикрларда ҳам эҳтимол жон бордир. Эдберт Грин Ҳаббартнинг шундай ажойиб фикри бор: "Миш-миш тарқатиш ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайдиган хавфсиз ва мароқли машғулот". Инсон табиатининг қизиқлиги шундаки, бу миш-мишларнинг ёлғонлиги кундек равшан бўлсада, кўпчиликнинг эътиборини тортади.

"Сариқ матбуот"нинг "ютуғи", балки шунда бўлса керак. Бу нашрлар юқоридаги иқтибосдаги "мароқли машғулотдан ва мухлисларининг кўплигидан" қувонишар, эҳтимол. Аммо... олди-қочди нарсаларни ўқигандан кимга наф?

Гулруҳ МЕНГЛИЕВА,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси.

НИГОҲ

ҲАЁТ — МЕҲРИБОН ОНА КАБИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бундай истеъдодли болаларнинг қисматига бефарқ бўлолмай, уларнинг яшаш шароити, таълим-тарбияси билан ҳам қизиқдик.

– Бу даргоҳ 1958 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирга қадар қанчадан-қанча болаларни тарбиялаб, вояга етказди. Ўзим ҳам шу ерда тарбияланганман ва ана шу ерда тарбия топган қизга уйланганман, – дейди Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тоштемир Сатторов. – Шунинг учун бу маскан мен учун ҳар нарсадан қадрли ва азиз. Бирга тарбия топган дўстларим билан туғишган оға-ини, ака-сингилдек бўлиб кетганмиз. Доимо бир-биримиз билан дийдорлашиб турамиз. Бу муқаддас гўшада кечган болалик йилларим хотирамдан асло ўчмайди. Айниқса, тарбиячи опаларимнинг меҳрини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ўзим шу даргоҳда тарбия топганим боис, бу ердаги болаларни ўз фарзандларимдек кўраман. Баъзан улар ота-онасини қўмсаб, йўлига кўз тикканини кўрсам, кўзимга ёш келади. Ҳар қандай шароитда ҳам изтиробларини тушунишга, қалбларини ўкситмасликка ҳаракат қиламиз. Бизга болалар олти ёшдан кейин келишади. Уларга қанча меҳр-мурувват кўрсатмайлик, барибир ота-онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Бу ёшлар келажакда ўз ўрнини, бахтини топиб кетишса, умримга мазмун киради. Ниятим — болалар ҳар доим ўз ота-онасининг



бағрида бўлсин.

... Очиғи, шу пайтгача ҳаётимдаги ҳеч бир учрашув Меҳрибонлик уйидагидек ҳазинли ва таъсирли кечмаган эди. Аслида ҳаётда ҳеч кимни айблаб, ҳеч кимга тугал баҳо бериб бўлмайди. Ҳамманинг ўз ҳаёт йўли, тақдири бор. Аммо билиб-билмай адашиш, алданиш ёки нафс комига тушиб, кимнингдир қалбини бир умр жароҳатлаб қўйиш ҳеч гап эмас экан. Буни ота-она меҳрига зор бўлиб яшаётган бу болажонларнинг мурғак қалбидан тўкилган нолалар, мунгли кўзларида жавобсиз қотган саволлардан англадим.

— Айтишларича, ота-онам ташлаб кетгани боис, шу ерга келганман. Бундан беш-тўрт йил олдин ҳам ота-онам ёки қариндошларим излаб келишига ишонардим. Кўзларимни дераздан узмасдим. Энди билсам хаёлларим, шунча йил кутганларим сароб экан. Ҳар қандай вазиятда ҳам меҳрибон тарбиячи опаларим, тақдири ўзимга ўхшаган дўстларим ёлғизлатиб қўймади. Уларнинг ардоғида вояга етдим. Ҳозир мактабда аъло баҳоларга ўқияпман, — дейди тарбияланувчилардан бири Салоҳиддин Жабборов. — Болалигимдан спортнинг каратэ турига қизиқаман. Шу йил республика чемпионатида иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдим. Мендан кейин бу мусобақада мактабимиздан Жаҳонгир Эшбоев, Фахриддин Жонтемировлар ҳам иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашди. Бундай муваффақиятларга устозларимизнинг қўллаб-қувватлаши, кўмаги ёрдамида эришдик. Бунинг учун улардан чексиз миннатдормиз. Келгусида халқаро спорт мусобақаларида ҳам қатнашиб, уларнинг ишончини оқлаймиз, албатта.

Айни пайтда Меҳрибонлик уйида 92 нафар тарбияланувчи бўлиб, шундан 43 таси чин етим болалар, қолганларининг ота ёки онаси бор. Улар ота-она меҳрига зор бўлсаларда, ҳар доим давлатимиз эътиборида экани кўнгилни кўтарди. Бу ерда болаларнинг кам-кўстсиз яшаши, билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ана шу маскан қошида қурилган замонавий мактабда таҳсил оладилар. Улкан орзу-мақсадлари, юрагида кечаётган туйғулари ҳам эзгуликка, яхшиликка камарбаста, дейиш мумкин. Масалан, истеъдодли шоира



Суратларда: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари.

Севара Овлоқулованинг кундалик дафтаридаги ушбу бадиалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

«... Деразам ортида шитирлайди куз. Япроқлар шивири уйғотар руҳим. Билмадим, эртага қандай тонг отар, қандай изтиробларботар кўксимга. Ҳозир, юрагимни илитган туйғу, онанинг меҳридан иссиқ туюлар. Бу тоғлар отадек дуо қилади, шамоллар руҳимдек ҳайқирар кўкка. Биламан, бу меҳр чексиз бағоят, ҳар доим беминнат қуёшдек иссиқ. Мен унга тик боқсам, кўзим ёшланар, ҳар доим қалбимда яшайди мангу. Шаънига муносиб сўз топмоқ учун қоғоз қоралайман яна тонггача. Қалбимда уйғонган бу гўзал туйғу, Ватаннинг бетаъма меҳримикан ё...».

Одамнинг юраги алдамайди, дейишади. Қалб кўзи очиқ, руҳи уйғоқ бўлса, ғуссалардан ҳам гўзал манзаралар ярата олади. Ҳаётини соҳир ранглар билан безайди. Дунёнинг фақат яхшиликдан, эзгуликдан иборатлигини англайди. Буни ана шу Меҳрибонлик уйида тарбия топиб, айни пайтда Тошкент давлат миллий дизайн ва рассомчилик институтида таҳсил олаётган Йигитали Боқиевнинг ижод намуналари кўрсатиб турибди. Картиналарида Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, соғинч, изтироб, энг асосийси, ёшликнинг ўтли нафаси ёрқин бўёқларда ўз ифодасини топган. Чирчиқдаги миллий ҳарбий қўмондонлик олий билим юртига ўқишга кирган Нурбек Йўлдошев ҳамда Тошкент иқтисодиёт университетини тамомлаб, танлаган соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган Самандар Қурбоновнинг ютуқларига ҳам тенгдошлари ҳавас қилса бўлади.

Дилда меҳр-мурувват бўлса, айтилмайди, кўрсатилади, деганларидек ижодий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилоят бўлими масъул котиби Исмоил Тўхтамишев тарбияланувчиларга шеърий китобларидан туҳфа этди. Бундан нафақат болалар балки, жамоанинг ҳам боши кўкка етди. Тарбиячилар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг самимийлиги ва оқкўнгиллигини кўриб, бу Меҳрибонлик уйи чинакамига меҳр-шафқат улашадиган даргоҳ эканига яна бир бор амин бўлдим. Бу ердан қайтар эканмиз, негадир бу даргоҳ тарбияланувчиси Севара Овлақулованинг кундалигида битилган қуйидаги сатрлари кўнгилдан ўтарди:

Қалбимда уйғонган
бу гўзал туйғу,
Ватаннинг бетаъма
меҳримикан ё...

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири.

ТАДБИР

Экологик муаммолар ОАВ нигоҳида

Ҳар қандай мақола, кўрсатув ёки эшиттиришнинг нечоғли муваффақиятли бўлиши унинг аудитория эҳтиёжларини қай даражада қондира олишига боғлиқ. Ўқувчи, томошабин ва тингловчининг эътиборини қозониш, унга ахборот етказишнинг самарали усулларидан фойдалана олиш учун эса журналист теран фикрловчи, мавзуни чуқур таҳлил қилишга етарли билимга эга мутахассис бўлиши керак.

Экологияга доир мавзуларни ёритувчи ОАВ ходимлари ҳам айни шу талабларга жавоб бера олиши лозим. Чунки бугун экологик муаммоларни ёритишда фақатгина хабарчи бўлиб эмас, балки мавзунинг моҳиятини тўла англаб, соҳа масъуллари билан тенгма-тенг баҳслашиб, амалий таклиф ва ечимларни илгари сурувчи материалларга зарурат катта.

Яқинда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА)га аъзо ҳудудий телерадиостанциялар муҳаррирлари учун ташкиллаштирилган семинар-тренинг ҳам экологик масалаларни ёритувчи журналистларнинг малакасини оширишга қаратилган эди. Тадбир давомида соҳанинг тажрибали мутахассислари иштирокчиларга “Биохилма-хиллик нима?”, “Биологик занжир ва инсон”, “Ер таназзули нима?”, “Иқлим ўзгаришининг сабаблари” каби мавзуларда назарий машғулотлар ўтказишди.

Бундан ташқари, семинарда иштирок этган 18 та ҳудудий телестанция ва 5 та FM радиостанциялари муҳаррирлари ўз эфирларида экологик мавзуларнинг ёритилиш даражаси ҳақида атрофлича фикр алмашдилар.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган семинар жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Гуласал НОРБОЕВА

ҚИСМАТ

Самолёт ясагани учун қамалган олим

Қатағон қурбони Ҳусайнхон Ниёзий физика ва кимё соҳасида биринчи дарсликлар ёзиб қолдирган миллатимизнинг фидойи, адабиётшунос, шоир ва маърифатпарвар олимларидан бири бўлган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатган физик олим Ҳусайнхон Ниёзийнинг қаламига мансуб “Радиактив моддалар ва уларнинг аҳамияти” номли қўлёзма китоби билан танишдик. Ундаги “1934-1936 йиллар” деган ёзув асарнинг битилганига чорак кам бир аср бўлганини билдиради. Бу китобнинг ҳаётимизда қандай ўрни бор, унинг муаллифи ким бўлган деган табиий савол туғилади.



Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 11-томи, 399-саҳифаси билан танишиб, Ҳусайнхон Ниёзий атоқли олим, биринчи ўзбек кимёгар ва физик олими, қатағон қурбони эканини билиб оламиз. Ҳ.Ниёзий 1895 йилда Андижонда зиёли оилада дунёга келади. У 1902-1912 йиллар давомида эгизак акаси Ҳасанхон, укаси Салимхон билан отаси Матмусохон Ниёзий (Хаст эшон домла)нинг мадрасасида (кейинчалик “Меҳнат гули” артели) таълим олади, ўзбек, араб, форс тилларини мукаммал эгаллайди. Кейин тўрт йил давомида рус-тузем мактабига қатнаб, замонавий кимё ва физика фанларини, айни пайтда рус ва немис тилларини ўзлаштиради.

Ёшлигидан табиий фанларга қизиққан қобилиятли Ҳусайнхон ҳамиша илмга интилиб яшайди. Москва ва Оренбург шаҳарларига илмий саёҳатларга бориб келади. Қозон, Санкт-Петербург, Боку, Истамбул сингари шаҳарларда чоп этилган даврий газеталар, физика ва кимёга оид китобларни олиб ўқийди. Немис ва рус олимлари томонидан нашр этилган журналларни топиб, мутолаа қилади. У 1915 йилдан эътиборан Андижондаги 4-ўрта мактабда физика ва кимё фанларидан дарс беради. 1916 йилда Тошкентда Табиатшунослик музейи ҳовлисида кичик моторли самолёт — планер ясайди ва уни Шайхонтоҳур майдонидан осмонга учиради. Бу иш учун ёш авиаконструкторни рағбатлантириш ўрнига “аҳолининг тинчлигини бузгани учун” деган айбнома билан қамоққа олишади. Ҳусайнхон Ниёзий Русия подшоси Николай II га “бор гуноҳи моторли планер ясагани эканини” исботлаб, рус тилида ёзган аризасига биноан, 3 ойдан сўнг ҳибсдан озод қилинади. Олим 1924 йилда Тошкентга оиласи билан кўчиб келади. Турли курсларда, техникумларда, ўқитувчилар институтида кимё ва физика фанларидан таълим беради. 1932 йили САГУ — бугунги Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетида иш бошлайди. Ҳусайнхон Ниёзий фанимиз тарихида биринчи бўлиб “Ҳикмат ва кимё дарслиги” (1922 й.), “Кимё дарслиги” (1926 й.), “Физикадан бошланғич мусоҳабалар” (1927 й.), “Кимё” (1929 й.), “Русча-ўзбекча физика терминлари” (1931 й.), “Тупроқ ва ўғит” (1933 й.), “Физика луғати” (1933 й.) сингари асарларини нашр эттирган. Ҳозир бу китобларнинг нусхалари Ўзбекистон Китоб палатасида ва “Қатағон қурбонлари” музейида сақланмоқда. Тахминан 1936 йилда Ҳусайнхон Ниёзийга бажарган ишлари учун экспериментал физика соҳасида профессор унвони берилган.

Мустамлака юртда ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган олимлар пайдо бўлиши шўролар ҳукуматига асло ёқмас эди, албатта. Бошқа илм соҳиблари қатори Ҳусайнхон Ниёзий 1937 йилда сохта айб билан яна қамалади ва Андижон вилоят судининг ҳукми билан олий жазога — отишга ҳукм қилинади. Гарчи ўлим жазоси 1942 йилда 10 йил қамоққа алмаштирилган, орадан яна 14 йил ўтганидан сўнг олим тўлиқ оқланган бўлса-да, унинг кейинги тақдири номаълум.

Ҳошимжон Раззоқов, Сайфиддин Жалилов, Ноҳид Ниёзов, Расул Раҳмон, Зуҳриддин Нуриддинов, Наим Каримов, Рустам Шамсиддинов сингари ёзувчи ва олимлар Ҳусайнхон Ниёзийнинг юксак илмий салоҳияти, асарларининг аҳамияти, Ватанимиз мустақиллигига қўшган ибратли ҳиссаси, фожиа билан якун топган ҳаёти ҳақида ўз китоблари ва мақолаларида баён қилганлар.

Профессор Наим Каримов “Адолат мустақилликнинг тамал тоши” номли мақоласида (“Huquq va burch” журнали, 2007 йил 8-9 сони) шундай деб ёзади: “Ҳар қандай босқинчилик, тазйиқ ва таъқибларга қарамай, халқимиз ўзининг илмий ва ижодий салоҳиятини ҳатто XIX-XX асрларда — мустамлакачилик даврида ҳам бой бермай, Ибрат, Сўфизода, Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Тавалло сингари ижодкорлар, Саидносир Миржалилов, Обиджон Маҳмудов сингари жамоат арбоблари тимсолида маърифат орқали мустақилликка эришиш учун баъзан ошкора, баъзан пинҳона кураш олиб боради.

Миллат ва халқ учун жонини фидо қилган ватандошларимиз орасида ака-ука Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзийлар ҳам бўлган. Машҳур физик ва кимёгар, педагог, ихтирочи ва шоир Ҳусайнхон Ниёзий 1922 йилда физика ва кимё фанлари бўйича ўзбек тилидаги илк дарсликларни яратган. Ана шу шахс большевикларнинг Туркистонда олиб бораётган ғайри миллий сиёсатини кўриб, “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлиб кирган, ҳатто шу ташкилотнинг Андижондаги бўлимига раҳбарлик қилган. У шу лавозимдаги фаолияти учун 1923 йилда қамоққа олинади. Аммо амалда большевиклар ҳокимиятига қарши бирор жиддий иш қилмагани учун орадан 3 ой ўтгач, озод қилинади. Аммо 1937 йилда Ҳусайнхон Ниёзий ўша 1923 йилдаги айби билан барибир ўлим жазосига ҳукм қилинади. ...Унинг акаси, маърифат тарғиботчиси, география ўқитувчиси, шоир, созанда ва мақом санъати билимдони, Ўзбекистон мустақиллиги йўлида тузилган “Миллий истиқлол” ташкилотининг, жадидчилар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Ҳасанхон Ниёзий эса 1938 йил 14 декабрда отиб ташланган. Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзийлар билан бирга ўша пайтда кўзга кўринган барча Андижон зиёлилари отиб ташланган ёки қамоқда чиритилган”.

Ака-ука Ниёзийларнинг илмий-амалий фаолиятига бағишланган материаллар (“Ҳикмат ва кимё дарслиги” китоби, кўзойнаги, ён соати, амперметр, қумсоат ва суворийнинг чинни ҳайкалчаси) пойтахтимиздаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейидан жой олган. Ўзбекистон Миллий университети 2001 йил 21 апрелда “Шаҳидлар хотираси” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Ҳусайнхон Ниёзийнинг илмий-педагогик фаолиятига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказган ва бу ҳақда матбуотда кенг ахборот тарқатган эди.

Ҳусайнхон Ниёзийни кўп муаллифлар “халқ профессори” деб атайдилар. Мазкур мақола муаллифларидан бири университетда профессор Ҳусайнхон Ниёзийнинг қўлида 2-3 йил давомида таҳсил кўрган тирик гувоҳдир. Собиқ СССР Бош прокуратураси махсус бўлими “Ҳ.Ниёзовга бажарган ишлари учун профессор унвони берилгани тўғрисидаги ҳужжатни ишга қўшиб қўйиш”ни талаб қилади.

Ҳусайнхон Ниёзий ўз даврида юқорида айтганимиздек, машҳур ўзбек кимёгар ва физик олими эди. Ал Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари фан даҳоларининг илмий мероси синчиклаб ўрганилаётган шу шукуҳли замонамизда яқин ўтмишда шаҳид бўлган Ҳ.Ниёзийнинг фаолиятига қайтиб иш кўрмоқ савобли ишлар сирасига киради.

Ҳ.Ниёзийнинг эски лотин имлосида ёзилиб, ҳали тугалланмаган “Радиактив моддалар ва уларнинг аҳамияти” деб номланган асарини профессор Ноҳидхон Ниёзийнинг илмий раҳбарлигида домланинг набираси ва эвараси она-бола Судобахон ва Темурмалик Нарзиқуловлар мустақил китоб шаклида нашрга тайёрлаб, Миллий университет Илмий кенгашига топширди. Шуниси аҳамиятлики, олим биринчи бўлиб ўзбек илмий адабиётига радиактив моддалар, радиоэлементлар, радиактив нурлар, фотоэлемент, атом, шунингдек, уран, радий, ванадий, торий, мезоторий, радиоторий, эманаций сингари унсурлар ҳақида илк тушунчаларни киритади, уларнинг амалий аҳамияти ҳақида батафсил маълумот беради. Менделеев даврий системасини таҳлил қилади, радиактив моддаларнинг нима эканини, бошқа моддалардан қайси сифатлари билан фарқланишини тушунтириб беради.

Мамлакатимизда фан ва техника, тарих ва адабиёт, маърифат ва маданиятга эътибор кучайган шу кунларда зиёли бобокалонларимиз қаламига мансуб ва ҳали кенг ўқувчилар даврасига номаълум бўлган “Радиактив моддалар ва уларнинг аҳамияти” каби китоблар топилаётгани, улар кенг ўқувчилар оммасига етказилаётгани фақатгина истиқлолимиз шарофатидан эканини ҳамиша эсда тутмоғимиз даркор. Мустақиллик шарофати туфайли кўплаб мана шундай эзгу ишлар амалга оширилаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Суратда: *биринчи ўзбек кимёгар ва физик олими Ҳусайнхон Ниёзий*

Шомақсуд ИСОҚОВ,
кимё фанлари номзоди, доцент.
Муҳиддин ПОЛВОН.

АВВАЛИ

Тарих миллатнинг жони-руҳидир

Миллий мактабларда ўқулмоқ учун миллий тарих китобларининг лузуми ҳар кимга маълумдир. Ҳар миллат ва ҳар қавм мактабларида аввало ўзларининг миллий тарихларини ўқутмакдадирлар. Ибтидоий мактаблардан мақсуд ҳам ўз она тилини билдируб, ўз адабиёти ила ошно қилмак, билвосита ёш ўсмир болаларнинг мулойим қалбларина миллат ҳам ватанга муҳаббат уруғини сочмак; миллий тил, миллий адабиёт ва миллий тарих ила онларнинг фикрларини танвир этмакдан иборатдир. Шул муҳаббат ҳабасини ўсдируб, болаларнинг ҳиссиёти миллияларини уйғотмак ва онларни чин ва ҳақиқий миллат ходими қилмоқ учун онларға миллий тарих ўқутмоқ лобуди минадир. Шунинг учун маданий ва мутараққий миллатлар ўз миллий тариэларини зиёда аҳамият берадирлар. Тарих илмига аҳамият берганлари каби онинг олимларини — муаррихларини ҳам эъзоз ва тақрим қиладирлар. Лекин маъалтаассуф, бизим Туркистонда бу кунгача “Тарих”га аҳамият берилмади. Мактабларимиз учун миллий тарих китоби (Туркистон тарихи) ёзилмади.

Шул сабабдан бўлса керак, мактабларимизда ўқугон ва ўқуб чиққон болаларимизда миллий руҳ ва миллий ҳиссиёт бўлмий, миллат учун аз таҳти дил хизмат қилгонлари кўринмий...

Тарих ўқумоғонликдан келгон зарарлар санабгина битиргурлик эмас: ўз миллий тарихини билмагон миллат ўз отасини билмаган “...”дан туғилгон бир болага ўхшайдир. Тарихи мажҳул бўлгон миллатни истаган қадар таҳқир қилурлар, ваҳшат ва жаҳолатга нисбат берурлар, ноҳақ ифторолар қилурлар. Аммо ул миллат воқеъда гўё яхши отанинг боласи бўлса ҳам, миллий тарихдан, яъни ота-бобосининг дунёда нечук умр сурганларидан хабарсиз ўлдиғи учун бошқалар тарафидан қилингон ифтироладан ўзини покламак ва онлар тарафидан суйкалгон қораларни оқламакдан ожиз қолароқ, турли ҳақорат ва бўҳтонларни бўйнига олмоқға мажбур бўлур. Бу сатрларни ёзмакдан мақсуд тарих билмагонларни таҳқир қилмақ эмас, балки онларға тарихнинг аҳамиятини билдирмак ва шунинг ила баробар миллий тарих вужудга келтурмак учун онларни тарғиб ва ташвиқ қилмоқдир.

Ҳозирда бу масъаланинг қиймат ва аҳамиятини мактаб муаллимлари била бошлаганлар. Фақат китоб йўқлиқдан болаларга ўқутмоқ хосиятиндан махрумдурлар.

Зотан, тарих аҳамиятли бир илмдир. Агар аҳамиятсиз ўлса, Қуръони карим ва бошқа кутуби самовия саҳифаларина дарж этилмас эди. Демак, тарих муҳим бир дарсдир, бир миллатнинг бутун аҳволи руҳияси — жамияти башария ва ҳаёти ижтимоияда ўйнағон рули ёлғуз шул тарих воситаси-ла билинур. Тарих, миллатнинг жони — руҳи, моддий ва маънавий ҳаётидир...

Тарихнинг аҳамияти ҳар кимга маълум ўлдиғиндан бу ҳақда сўзни узоқ чўзуб турурға ҳожат кўрмийман. Фақат, бошқа ҳеч бир ишга қарамасдан, соатлар ва дақиқаларни ўздирмасдан, тезлик ила мактабларимиз учун “Туркистон тарихи” ёзмақ лозимдир.

Муни ким ёзар?

Бу саволнинг жавобини қориларимиз ва зиёлиларимиз берсунлар.

Нўширавон Ёвушиф
“Садои Туркистон” газетаси, 1914 йил, 10 июн, 17-сон.

ИЗОҲЛАР: **Туркистон** — мақола ёзилган пайтлар Марказий Осиёнинг талайгина қисмини ташкил этган ўлканинг номи. Бунга Бухоро ва Хивани киритишмаган.
Ибтидоий мактаб — бошланғич мактаб.
Мақсуд — мақсад.
Танвир этмак — нурлантирмоқ, ёруғ қилмоқ.
Лобуд — зарур.
Мина — хато ёзилган бўлса керак, маъносини топиб бўлмади.
Тақрим — ҳурмат, эҳтиром.
Маъалтаассуф — афсуски.
Аз таҳти дил — астойдил.
Мажҳул — номаълум, мубҳам.
Ифтиро — туҳмат, бўҳтон.
Бошқалар тарафидан — бу ерда мустабидлар назарда тутилган.
Кутуби самовия — самовий, нозил бўлган китоблар маъносида.
Дарж — бу ерда “ёзилиш” маъносини англатади.
Ўздирмасдан — ўткармасдан.
Қориларимиз — ўқувчиларимиз, муштарийларимиз.
Нўширавон Ёвушиф — Уфалик сайёҳ журналист. 1917 йилда 23 ноябрда Тошкентда варам (ўпка шиши)дан ўлган.
“Садои Туркистон” — Тошкентда 1914 йил 4 апрелдан 1915 йилнинг 10 апрелигача юрист Убайдулла Асадуллаҳўжаев (1885-1938) муҳаррирлигида 66 сони чиққан газета.

Нашрга тайёрловчи: **Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ**

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

"ASAKA" BANK:
МИЖОЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ДАТ "Асака" банкининг Хоразм вилоят филиали воҳа иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келаётган, ўз ўрнига, муносиб мавқеига эга бўлган нуфузли молия муассасаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш банклар молиявий стратегиясининг асосидир. ДАТ "Асака" банкининг Хоразм вилоят филиали томонидан шу йилнинг ўтган даврида иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун 9 866,6 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди. Жорий йилнинг биринчи сентябрь ҳолатига эса филиалнинг кредит қўйилмалари ҳажми 22 347,6 млн. сўмни ташкил этди.

— Жамоамиз томонидан тадбиркорлик субъектлари ва барча аҳоли қатламларига кенг қамровли молия хизматларининг кўрсатилиши натижасида банк ва мижоз ўртасида ишонч ришталари мустаҳкамланиб бораётганидан мамнунмиз, — дейди банкнинг Хоразм вилоят филиали бошқарувчиси Рустам Юсупов.



Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар беришда Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар талабларини бажариш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 8 ойи давомида шу мақсадда 3 018 млн. сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Йил бошидан берилган кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 139 тани ташкил қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, жорий йил ҳосилини етиштириш учун фермер хўжаликларига пахта учун 2223,9 млн. сўм, ғалла учун 220,7 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Бундан ташқари жорий йилнинг ўзида фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун узоқ муддатли кредитлар схемаси бўйича "Ғуломбой Икромбой" фермер хўжалигига 158,2 млн. сўмга, "Расул Арслонбек" ва "Султон Таннов" фермер хўжаликларига 310,2 млн. сўмга "Класс Доминатор – 130" комбайнлари олиб берилди.

Паррандачиликни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Урганч туманидаги "Шарип Зарипов" номли ОАЖ га ем-хашак сотиб олишга 174,2 млн. сўм, қисқа муддатли ҳамда инкубация қурилмаси сотиб олиш учун 61,6 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди. "Мурод" паррандачилик фермер хўжалигига соҳани ривожлантириш учун 10 млн. сўмлик қисқа муддатли, 60 млн. сўм узоқ муддатли кредитлар берилди. "Бойжонбой Зиёда" фермер хўжалиги ҳам паррандачиликни ривожлантириш учун молиявий муассасадан 7 млн. сўмлик қисқа муддатли ва 38 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит олди.

— Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 105 та жисмоний шахсга 208,3 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, мижозларга 7 та мини банк, 3 та махсус касса, 8 та жамғарма касса ҳамда 29 та "Paynet" банк хизматларини кўрсатмоқда, — дея сўзида давом этади Р.Юсупов. — Мазкур инфратузилма шохобчалари зарур мебель ва замонавий маиший техника жиҳозлари билан таъминланган. Келгусида хизматлар кўламини янада кенгайтириш ва чекка-чекка туманлар аҳолисига ҳам барча банк хизматларини кўрсатиш учун қулайликлар яратишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам молия муассасаси томонидан етарлича қўллаб-қувватланаяпти. Масалан, "Оллошукур Маткаримов" хусусий корхонаси ва "Асадбек авто кафолат" масъулияти чекланган жамиятига 3 йил муддатга йиллик 12 фоиз устама билан дўконларини таъмирлаш учун 50 миллион сўм кредит маблағи ажратиш бўйича шартнома имзоланган. Булардан ташқари, ўзига тегишли бўлган савдо шохобчаларини қайта таъмирлаб, савдо-сотиқ ишларини намунали йўлга қўйиш учун "Кристалл" хусусий фирмасига 50 млн. сўм, "Рухсора Ҳамида" хусусий фирмасига 43,5 млн. сўм, "Эл фаро" кичик корхонасига 14 млн. сўм, "Мунис нон" ИЧСК га 20 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди.


Вилоятда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талаблари ҳам ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида ёш оилаларга 605 млн. сўмлик ипотека кредитлари, 174,5 млн. сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Бу билан ёш оилаларнинг алоҳида уй-жой ва шарт-шароитларга эга бўлиши учун янги жиҳозлар сотиб олишлари ҳамда ўз оилаларини мустақил бошқаришларида филиал ишончли ҳамкор бўлмоқда.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банк томонидан 54 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, уларни филиал ва 7 та мини банкларда расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда, омонатчиларнинг биринчи талаби билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. Жорий йилнинг январь-август ойларида аҳолидан миллий валютада омонат ҳисоб рақамларига қабул қилинган омонатлар қолдиғи 10 302,6 млн. сўмни ташкил этди.

Филиалда нақд пулсиз ҳисобкитобларни оммалаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам талайгина. Юртбошимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисобкитоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларига мувофиқ 18758 дан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Улардан аҳоли самарали фойдаланиши учун жойларга 173 га яқин савдо терминаллари, банкоматлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг 91 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган.

Маълумки, пластик карточкаларни муомалага чиқариш — бу нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришнинг энг объектив ва оптимал варианти ҳисобланади. Барча банклар томонидан пластик карточкалардаги қолдиқларга камида йиллик 14 фоиздан қўшимча фоиз ҳисобланиб, у ҳар ойда капитализация қилиб борилади. Пластик карточкаларда чекланмаган миқдорда маблағ сақлаб бориш мумкин.

Аҳоли ўртасида электрон карточкаларга қизиқиш, қолаверса, ишонч туйғусининг тобора ўсиб бораётгани боис, банклар томонидан ушбу тизим орқали бажариладиган янги турдаги хизматлар жорий қилинмоқда. Молиявий муассаса томонидан "Иш ҳақи" лойиҳаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилот ходимларига пластик карточкалар орқали жорий йилнинг ўтган даврида 125,3 млн. сўм миқдорида "Овердрафт" истеъмол кредитлари берилди. Иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартнома тузиб, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони 195 тани ташкил қилади.



Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

ЕИнинг "меҳрибонлиги"



Америкининг Dell компанияси Ирландиянинг Лимерике шаҳридаги заводини ёпди. Натижада 2400 киши ишсиз қолди. Куни кеча Еврокомиссия иш ўринларидан ажралган ушбу завод ишчилари учун 14,8 миллион евро маблағ ажратишга қарор қилди. Бу маблағ улар иш топгунларига қадар компенсация сифатида берилади.

Лимерикега ташриф буюрган Еврокомиссия раиси Жозе Мануэль Баррозунинг айтишича, маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор энди Европарламент ва ЕИнинг барча 27 аъзоси томонидан тасдиқланиши керак.

Жорий йилнинг 2 октябрь куни Ирландияда Лиссабон шартномаси бўйича референдум бўлиб ўтади. Ўтган йилнинг июнида ўтказилган умумхалқ тадбирида мамлакат аҳолиси шартномага қарши овоз берган эди. Сиёсатчилар ЕИнинг "меҳрибонлиги" шу тадбир туфайли дейишмоқда.


Бино қулаб тушди



Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида собиқ бетон заводининг беш қаватли биноси қулаб тушди. "Интерфакс" агентлиги мухбирининг шаҳар фавқулодда вазиятлар хизмати вакилининг маълумоти асосида тарқатган хабарига қараганда, бир киши вайроналар остида қолган. Ҳалокат содир бўлган жойда қутқарув ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Завод биноси шаҳар аэропортига олиб борадиган йўл ёқасида жойлашган эди. Ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

Террорчи ўлдирилди



ДНК натижалари Ява оролида ўлдирилган киши ҳақиқатан ҳам жануби-шарқий Осиёдаги энг йирик террорчи Ноордин Муҳаммад Топ эканини тасдиқлади. Бу ҳақда кеча Индонезия полицияси маълумотларига асосланиб, Associated Press хабар тарқатди.

Ноордин Муҳаммад Топ асли малайзиялик. У Индонезиядаги «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳининг йўлбошчиларидан бири эди. Топ минтақадаги қўплаб террорчилик амалиётларига раҳбарлик қилган. Жумладан, 2009 йилнинг июлида Жаркартадаги иккита меҳмонхонада содир этилган хунрезликларда иштирок этган.

Бали оролларидаги зилзила

Ўтган шанба куни эрталаб Индонезиянинг Бали оролларида ер қимирлади. Reuters хабарида айтилишича, зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллни ташкил этган.



Индонезиянинг метеорология ва геофизика бўйича агентлиги маълумотларига кўра, зилзила маркази Бали оролларидан 101 километр узоқликда бўлган. Мамлакат тиббиёт вазирлиги вакили оролдаги касалхонага турли хил даражада жароҳат олган етти киши келтирилганини айтди. Моддий зарар миқдори ҳали аниқланган йўқ. Аммо оролнинг маъмурий маркази Денпасар шаҳрида бир неча бино қулаган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 2 сентябрь куни Бали оролларида содир бўлган 7 баллик зилзила оқибатида 52 киши ҳаётдан кўз юмган, 20 минг бино зарар кўрганди.

13 ёшли жиноятчи



Калифорния штатининг Лос-Анжелес округи ҳуқуқтартибот органлари 13 ёшли болакайга нисбатан жиноий иш очишди. Эл-Монте шаҳрида яшовчи бу болакай Angeles National Forest қўриқхонасига ўт қўйишда айбланмоқда.

Associated Press хабарига кўра, 25 август куни қўриқхонада бошланган ёнғин оқибатида 7,7 квадрат километр майдондаги дарахтлар ва ҳайвонот олами нобуд бўлди. Боланинг исми шарифи ҳозирча ошкор қилингани йўқ. Агар унинг айби исботланса, болакай 12 йил вояга етмаганлар колониясида ўтиради.

Жорий йилнинг 26 август куни ушбу қўриқхонада яна бир ёнғин содир бўлди. Бу ўт балоси 647 квадрат километр майдонни эгаллади ва 89 та бино куйиб кулга айланди. Полиция вакилининг гапига қараганда, бу ёнғинга болакайнинг алоқаси йўқ.

150 та бўлим ёпилади



Россия Жамғармабанки жорий йилда 150 та зарар билан ишлайдиган бўлимларини ёпмоқчи. Бу ҳақда банк бошқаруви раиси Герман Греф маълум қилди. Унинг таъкидлашича, банкнинг жойларда 20 мингта бўлинмалари бор. Шундай экан 150 та бўлимнинг қисқартирилиши банк ишига мутлақо таъсир қилмайди.

«Интерфакс» хабарига қараганда, ёпилган бўлимлар ўрнида аҳолига мобиль хизмат кўрсатиш пунктлари ташкил этилади. Яъни аҳолига автобусда келиб хизмат кўрсатилади.

Аввалроқ, 2009 йилда банкнинг 270 минг нафар ходимларининг 10 фоизи қисқартирилиши ҳақида хабар тарқалган эди. Шунга қарамай, 2014 йилга бориб банкнинг даромади 50 фоизга ошиши керак эди.

Жамғармабанкнинг 50 фоиздан кўпроқ акцияси давлатга тегишли.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

УЙҒОҚ СЎЗ

Тинчлик ва тотувлик қадри

Тинчликни ўйламаган одамнинг қорин тўйғазишдан бошқа ташвиши бўлмайди, дейишади. Дарҳақиқат, жаҳонда юз бераётган нотинчликлардан сўз очсангиз, сизга нима, бир-бирининг гўштини ейишмайдими, ундан кўра нарх-наводан, иш ҳақидан, машина, дачадан гапиринг, дейдиганлар ҳам оз эмас. Ҳар куни дунёнинг турли чеккаларида юз бераётган тўс-тўполонлар оқибатида ҳалок бўлаётган юзлаб бегуноҳ одамлар, гўдак болалар, аёллар, қариялар, яралар бўлаётган минглаб айбсиз одамлар ҳақида ачиниб гапирсангиз, бу ҳолга ҳам бепарволар топилади.

Бундай кимсаларни учратсанг, дилинг оғрийди. Тунов куни биттасига Африкадаги очдан ўлаётган чақалоқларни кўриб, селсел бўлиб йиғладим десам, ўзимни дўхтирга кўрсатишимни маслаҳат берди. Ваҳоланки, мен буларнинг ҳаммасини юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етайлик деган мақсадда айтаман. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Қўшни Афғонистондаги вазиятдан кунда-кунора матбуот, телевидение орқали воқиф бўлиб турибмиз. Тоғлар орасидаги уйларнинг қулаган пахса деворлари, далалар ва қишлоқлардаги харобалар ичида жанглар бўлиб турибди. Чақалоқлар оналар бағрида, гўдак болалар оталар ва боболар кўз олдида жон таслим қилаяпти. Ким жангари-ю, ким тинч аҳоли, аниқлаб бўлмайди. Уруш ўз номи билан уруш — дайди ўқ одам танламайди. Шу йил июль ойида коалицион кучлардан ҳам кўп одам нобуд бўлди. Кейинги пайтда коалицион кучлар таркибига ўз ҳарбийларини юборган давлатлар ҳарбий ҳаракатларни камайтириб, кўпроқ муросага келадиган кучлар билан мулоқот олиб боришга ҳамда аҳолининг моддий-ижтимоий аҳволини яхшилашга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқда. Улар муроса йўлини ахтариб, ижтимоий ёрдам борасида ажратиладиган маблағлар миқдорини ҳам айтдилар. Европадаги айрим давлатларда сўровлар ўтказилганида, аҳолининг кўп қисми Афғонистонда қурол кучи билан вазиятни қўлга олиб бўлмайди, деган фикрни билдирди. Бир неча давлатлар раҳбарларининг бу борадаги баёнотларини ҳам эшитдик.

Хўш, бу "янгилик"ка нима дейсиз?! Йил бошида, ҳатто баҳорда ҳам баёнотлар бошқача эди-ку! Наҳотки улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил апрель ойида НАТО/СЕАПнинг Бухарестдаги саммитда сўзлаган нутқидан бехабар бўлсалар?! Унда асосий эътибор Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг зарурлигига қаратилар экан, биринчи вазифа ғоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга эга бўлиб, бунда энг асосий вазифа аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўли экани таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон раҳбари ўз таклиф-мулоҳазаларини бешта йўналиш бўйича баён қилар экан, жумладан, кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигига ҳам алоҳида урғу берди. Аҳиллик ва ички тотувликсиз мақсадга эришиб бўлмайди. Бу фикр кейинчалик бир неча марта жиддий учрашув ва мулоқотлар пайтида ҳам айтиб ўтилди.

Бу масала охирги марта Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг шу йил июнь ойида Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида кўтарилди. Мен "Вести" телеканали орқали барча давлатлар раҳбарларининг нутқларини тўлиқ эшитдим. Ҳақиқатни айтиш керак, фақат Ўзбекистон раҳбарининг нутқидагина Афғонистондаги ҳозирги вазият чуқур ва атрофлича таҳлил этилди, ҳарбийлаштиришни кучайтириш билан мақсадга эришиб бўлмаслиги, аксинча, ички тотувлик ва ўзаро ишончни таъминлаб, халқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш ҳамда аҳолини бунёдкорлик ишларига жалб этиш билангина вазиятни ўзгартириш мумкинлиги асослаб берилди. Бошқа нотиқларнинг нутқларида эса Афғонистондаги бугунги вазиятга умумий тарзда баҳо берилди.

Бизнингча, баъзи бировлар ҳар қандай жиддий фикрни фақат "каттароқ оғалар"дан эшитишга одатланиб қолишган. Афсуски, ҳаётда бўлгани каби сиёсатда ҳам оғзи қийшиқ бўлса-да, бойнинг ўғли гапиришини кутадиганлар бировга қарам ва ялтоқ бўлиб қолаверадилар. Шунинг учун ҳам халқаро ҳаётда катта ёки кичик мамлакатми, кучли ёки кучсиз давлатми, бой ёки камбағал халқми, ҳаммага бирдай муносабатда бўлиш, тинчлик ва барқарорликка хизмат қиладиган ҳар бир таклифга холис ёндашиш ва уни чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Шундагина янги-янги "Яқин Шарқ"лар вужудга келмайди.

Кейинги пайтда баъзи бир каттароқ "оға"ларнинг ўзлари бош халқаро ҳакам — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида кўп гапиришаяпти. Жумладан, Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сонини ошириш ҳақида гап бораяпти. Тилга олинаётган давлатлар орасида Япония, Германия, Ҳиндистон, Бразилия каби давлатлар бор. Баъзи оммавий ахборот воситалари буни янгилик сифатида шарҳлашмоқда. Аслида бу янгилик эмас. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясини эсланг. Қарийб ўн олти йил бўлаяпти. Ўшанда мустақил Ўзбекистон давлатининг раҳбари энг нуфузли халқаро минбарда туриб шундай деганди: "Биз БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз". Ҳозир баъзи бировлар киритаётган бундай таклифлар халқаро ҳаётда янгилик сифатида талқин қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам бу жуда муҳим масала. Ўзбекистон ўз таклифини 48-сессиядан кейин ҳам бир неча марта нуфузли анжуманларда такрорлади.

Ўзбекистон раҳбари таклиф ва ташаббусининг моҳияти шундаки, агар БМТ қабул қилаётган қарорларнинг ижросини қатъийлик ва изчиллик билан таъминлашга эришиб борилса, ушбу нуфузли ташкилотнинг жаҳон олдидаги обрўси яна ҳам ошган бўларди. Қолаверса, жаҳон ҳамжамиятини менсимайдиганларнинг таноби тортилган бўларди.

Албатта, айримларга Ўзбекистоннинг бундай халқаро миқёсдаги ташаббуслари ёқмайди. Уларга шов-шув керак. Ур-сур бўлмаган тақдирда ҳам қаердадир олов чиқиши керак. Шунда фалон миллат вакили ёққан оловни фалон миллат кишисидан кўришаяпти, деб жар солишади. Ҳеч бўлмаганда турли миллатга мансуб йигитлар автобус бекатидами ёки паркдами муштлашишлари керак. Афтидан у ҳам бўлмаётганга ўхшайди. Сиқилиб кетганларидан газеталарни титкилашади, телеэкранга тикилишади, турли давлатларнинг ички ишларига аралашишади, ўзларича қозилик қилишади.

Майли, нима бўлганда ҳам жаҳон айвонида юз бераётган ҳар бир воқеа-ҳодиса холис ёритилиши, одамларни чалғитмаслиги керак. Айниқса, айрим ҳорижий юртлардаги "адолатпарвар демократ" ҳамкасбларимиз буни яхшироқ англаб етишлари керак.

Иброҳим НОРМАТОВ

ФАОЛИЯТ

ПЛАСТИК КАРТОЧКА: ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалида мижозлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ибратли ишлар олиб борилаётгани ҳақида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ҳозирги кунда дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатида харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай ҳамда ишончли восита сифатида пластик карточкалардан кенг фойдаланаётгани бежиз эмас. Боиси пластик карточкалар молия-банк хизматини такомиллаштиришда самарали воситалардан бири эканидан ташқари ҳар қандай одамни нақд пулни кўтариб юришдаги ноқулайликдан халос этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун банк мижозлари тўловнинг бундай қулай воситасига қизиқмоқдалар. Бу чора-тадбирларни намунали ташкил этган банкларнинг фаолияти тобора жонланиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акционерлик тижорат банкининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали жамоаси ҳам ўз мижозларини хушнуд қилиш ниятида кўпгина ибратли ишларни амалга ошираяпти.

Мазкур молиявий муассасанинг пластик карточкаларни жорий қилиш бўлими бошлиғи Ибрат Жумашев бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Республикаси банклари мамлакатимиз ташқарисида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Visa ва Master Card халқаро тўлов тизимларининг хорижий валютадаги пластик карточкаларини муомалага чиқариб, мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга, юртимиз ҳудудида ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи миллий валюта — сўмдаги локал банк пластик карточкалар ҳам муомалага киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ банкимиз томонидан пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Улардан чакана савдода, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ва бошқа пуллик хизматлар кўрсатишда фойдаланилаётир.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг халқаро Visa пластик карточкалари орқали замонавий банк хизматлари кўрсатилаяпти. Уларнинг турлари ва хизматлари қуйидагича:

— ҳар бир фуқаро миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб варағини очиш имкониятига эга, Visa Classic ва Visa Electron пластик карточкаларидан фойдаланиши мумкин;

— Ўзбекистон фуқаролари чет элларга сафар қилганда Visa Classic ва Visa Electron пластик карточкаларидан фойдаланиши кафолатланган ҳамда бу пластик карточкаларга қўйилган валюталар декларация қилинмайди;

— банк томонидан Visa пластик карточкаларидаги қолдиқ пул маблағлари учун ҳар ойда йиллик 16 фоиз даромад ҳисоблаб борилади;

— Visa Electron пластик карточкалари оддийлиги ва қулайлиги туфайли аҳолининг турли қатламларига мос келади;

— Visa Classic пластик карточкалари универсал тўлов воситаси бўлиб, жаҳоннинг Visa логотипи билан белгиланган терминал ва банкоматлар, реал ва виртуал дўконлар, почта ҳамда телефон орқали хизмат кўрсатувчи барча ҳудудларида қабул қилинади. Бу пластик карточка билан тўловлар интернет орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;



— Visa Classic пластик карточкаларига йиллик 24 фоиз ҳисобида даромад ҳисобланади;

— хорижий валютадаги Visa Electron ва Visa Classic пластик карточкаларига йиллик 2 фоиз ҳисобидан даромад ҳисобланади;

— Visa Electron ва Visa Classic пластик карточкаларига ўтказилган пул маблағлари ўша куни пластик карточка ҳисоб варағига келиб тушади, шу боис “загрузка” қилинмайди.

Бундан ташқари, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллардан фойдаланилганда пластик карточкалардан тариф бўйича ҳеч қандай хизмат ҳақи ундирилмайди.

Бюджетдаги ишчи-ходимларнинг иш ҳақи тўловлари пластик карточка ҳисобварақларига ўтказилганда ҳам ҳеч қандай тўлов ҳақи олинмайди.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали ва унга қарашли филиалларда пластик карточкаларнинг сони жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра 40735 донага етди. Ҳисоб-китоб қилишнинг мазкур замонавий усули бўйича савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар 93 та бўлиб, улар узлуксиз ишлаб турибди. Ушбу савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги айланма маблағ 9 миллиард 87 миллион сўмни ташкил этади. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг Қорақалпоғистон минтақавий филиалида пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш учун Нукус шаҳрида 1 та банкомат ўрнатилган. “Иш ҳақи” лойиҳалари бўйича 146 та шартнома имзоланган. “Кўнғирот сода заводи”, “Устюрт геофизика экспедицияси”, “Тахиатош ГРЭС”, “Кўнғирот УУРБ” корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномалар шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида нақд пулнинг банкдан ташқаридаги айланмаларини қисқартиришда қатор қулай имкониятларни яратмоқда.



Аҳолининг депозитга тортилган пул маблағлари кўламини кенгайтириш ва қолдиқлар миқдорининг камайиб кетмаслиги учун миллий валютада “Танлов”, “Саломатлик”, “Ғаройиб”, “Кўклам”, “Ажойиб”, “Шодиёна”, “Капитал плюс”, “Ниҳол”, “Тақдим этувчига”, “Омад” буюм ютуқли, “Мадад-1”, “Мадад-2”, “Мадад-3”, “Мадад-4”, “Манфаат-1”, “Тошкент-2200”, “Истиқлол-1” деб аталган омонат турлари мавжуд. Уларга фуқаролар ўз маблағларини 1 ва 18 ойлик муддатга қўйиб, даромадларини йиллик 18 фоиздан 30 фоизгача кўпайтиришлари мумкин. Банк ва унга қарашли филиалларда жисмоний шахснинг халқаро пул ўтказиши бўйича ҳам бир қатор қулайликлар яратилган. Масалан, “Contact”, “Migom”, “Interexpres”, “Blisko”, “Western Union”, “Ўзбекистон Экспресс” тизимлари орқали Ўзбекистон ва халқаро пул ўтказиш йўналишлари ташкил этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, банк жамоаси ўз мижозларига хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш орқали юртимиз фаровонлигига, иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ғолиб ЗАБАРДАСТ ®

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ КЎПАЯДИ

“Сурхонпахтасаноат” очиқ акциядорлик жамиятлари бирлашмаси жамоасининг аҳди шундай

Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов омилкор деҳқон. Пахта ва ғалла етиштириш, ундан осмонўпар хирмонлар бунёд этишда Ангор туманидагина эмас, ҳатто Сурхон воҳасида ҳам унинг ўзига хос ўрни, бой тажрибаси бор. У раҳбарлик қилаётган “Саид Носирхон” фермер хўжалигида кўп йиллардан буён ғалла ҳосилдорлиги гектарига 70 центнердан, пахта эса 45 центнердан ошса ошганки, асло кам бўлмаган. Ҳамкасблари уни “уста” деб аташининг боиси ҳам шунда.

Чиндан ҳам Исохон Баҳромов ер билан тиллашадиган, сирлашадиган деҳқон. У йил-ўн икки ой далада тер тўкади. Табиат инжиқликлари билан беллаша оладиган мард, матонатли инсон. Қиш чўзилган, баҳор эса серёғин келган жорий йилда ҳам ерга чигит қадалган кундан бери Исохон Баҳромов 400 гектарлик қадрдон даласини сира тарк этгани йўқ. Тизза бўйи қор кечиб, экин майдонларига яхоб таратди, шудгор қилди, чигит экди, сўнг ғўзани парваришлашда фидойилик кўрсатди. Бир неча йил аввал Юртбошимизни ҳам саховатли даласида қарши олди. “Дамас” русумли енгил автоуловининг калитини ҳам Президентимизнинг қўлидан дала бошида қабул қилганди.

— Йилнинг тўрт фасли ҳам зарбдор меҳнат палласи ҳисобланади, — дейди Исохон Баҳромов. — Негаки ҳар фаслнинг ўзида амалга ошириладиган тадбирларнинг хосияти ўзгача бўлади, эртага албатта самара беради. Мўл ҳосилга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Дарвоқе, биргина Исохон Баҳромов эмас, балки Сурхон воҳаси бободеҳқонларининг фикри ана шундай. Улар даладан ҳосил йиғиштириб олинган дамлардан бошлаб эртанги кун ташвишлари билан яшайди. Жарқўрғонлик Чори Чўтпўлатов, шерободлик Нурбой Улуғбердиев, Арабали Дўстмуродов, ангорлик Жума Эшбоев, музработлик Бобомурод Қурбонов сингари ўнлаб марду майдонларни далада учратдик. Айни шу пайтларда уларнинг пахта майдонларида жўшқин ҳаёт ҳукмрон.

— Бу йил 218 минг гектар ерда деҳқончилик қилдик, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Баҳром Шердонов. — Унинг 95 минг гектари ғалла эди. Деҳқонларимизнинг хирмони баракали келди. Бошоқли дон ҳосили тайёрлаш йиллик шартнома режасини республикада биринчи бўлиб адо этдик. Ғаллакорлар ҳозир келгуси йил ҳосилига мустаҳкам пойдевор яратаяптилар. Кузги агротехник тадбирларни қўллаяптилар.

Вилоят пахтакорлари ҳам ҳар йили ҳосил етиштиришга анча барвақт киришадилар. Натижа ёмон бўлмайди. Ўтган йили 123 минг гектар ердан қарийб 346 минг тонна юқори сифатли “оқ олтин” йиғиштириб олинган эди. Ҳосилдорлик гектарига 28 центнердан ошди. Ёки 2007 йилга нисбатан қарийб 10 минг тонна пахта кўп етиштирилди. Уни қайта ишлаш “Сурхонпахтасаноат” ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси зиммасидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

— Бу иш муваффақиятли адо этилди, — дейди биз билан суҳбатда бирлашма бошқарув раисининг ўринбосари Асадулла Шафоатов. — Вилоятдаги 10 та пахта тозалаш корхонасида иш уч сменада ташкил этилди. Улардаги техника ва механизмларнинг бенуқсон ишлаши мутахассислар назоратида бўлди. Шу боис тола тайёрлаш режаси ортиғи билан уддаланди. Муҳими, толанинг сифати юқори даражада. Жаҳон талабларига тўла жавоб беради, харидоргир.

Вилоят пахтакорлари бу йил ҳам янги марраларни эгаллаш йўлида шаҳдам одим ташлаяптилар. Чунончи, 350 минг тонна юқори сифатли “оқ олтин” етиштириш улар зиммасидаги улуғвор вазифа ҳисобланади. Уни шараф билан уддалаш мақсадида ғўза парваришида фан ютуқларига астойдил амал қилдилар, илғорлар тажрибасидан омилкорлик билан фойдаландилар. Эндиликда пешона тери тўкиб қилинган меҳнатнинг самараси яққол кўзга ташланиб қолди. Поёни уфққа туташ кенг далаларда ҳосил мўл бўлди. Сон-саноқсиз чаноқлардаги бодрокдек очилган лўппи-лўппи пахталар кўзни қувонтиради, дилни яйратади.

Сурхон воҳаси деҳқонлари қалб кўри эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай тезроқ териб олишга уюшқоқлик билан киришганлар. Пахтазорда ҳаёт қайнайди. Нияти улуғ, ҳиммати баланд одамлар ҳашарга отланишган. Пахтакорга мададкор бўлиб улар билан ёнма-ён меҳнат қилаяптилар. Кўчаларда эса тиркамасига пахта юкланган турнақатор тракторларнинг кети узилмайди.

Мана, биз “Ангорпахта” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли марказий пахта қабул қилиш масканидамиз. Корхона раҳбари Абдулазиз Абдуллаевни ҳам шу ерда учратдик.



—Янги пахта ҳосилини биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов топширдилар, — деди Абдулазиз ака жилмайиб. — Дастлабки кунги натижа йиллик режанинг саккиз фоизини ташкил этди. Агар “Саид Носирхон” фермер хўжалигида йиғим-терим шу тарзда давом этса, худо хоҳласа кўзда тутилган довон икки ҳафта ичида эгалланиши турган гап.

— Корхонада мавсумга қандай тайёргарлик кўрилди? — фурсатдан фойдаланиб сўрадик бошқарув раиси А.Абдуллаевдан.

— Бу йил шартнома тузилган 372 фермер хўжалигидан 35356 тонна пахта қабул қилишни режалаштирганмиз, — дейди Абдулазиз ака. — Корхонада хомашёни қайта ишлашга беш юз нафар одам сафарбар этилди. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Коржомалар билан тўлиқ таъминланди. Ишдан сўнг ювиниш учун душ, ҳаммом ишлаб турибди. Ошхонада икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Ҳашарчиларга эса этак, самовар ва бошқа зарур нарсаларни етказиб берганмиз. Таллимарон, Учқизил, Янгиариқ, Гулбаҳор ва корхона қошидаги Ангор пахта қабул қилиш масканлари мавсумга пухта тайёргарлик кўришди. 235 та пахта юклагич, узатгич механизмлари сифатли таъмирланган.

Суҳбатга корхона бош ҳисобчиси Маҳмуд Сатторов қўшилди.

— Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам чакки эмас, —деди у рақамларга тўла қоғозга кўз югуртириб. — Ўтган йили ялпи даромадимиз 700 миллион сўмдан ошди. Унинг 300 миллион сўмдан ортиқроғи соф фойда. Ана шу маблағнинг асосий қисми жамоанинг моддий манфаатдорлигини оширишга, уларни рағбатлантиришга, ободончилик ва саховатпешалик тадбирлари билан тозаланади. Бу янги ускунани ишлаб чиқаришга жорий этишда бош муҳандис Холмўмин Норбоевнинг алоҳида хизмати бор. Бу йил эса пахтани қайта ишлашда халқаро андозалар талабига жавоб бера оладиган янги корхона қурилиши охирига етай деб қолди.

— Насиб этса, — дейди Абдулазиз Абдуллаев, — янги ҳосилни корхонага янги ўрнатилган хорижий ускуналарда қайта ишлаймиз. Ундан олинадиган тола ва бошқа хил маҳсулотларнинг сифати ривожланган давлатларда олинадиган маҳсулотлардан устун туради.

“Ангорпахта” ҳиссадорлик жамиятидаги ишлар билан танишгач, Муҳаммад Сатторов раҳбарлик қилаётган “Шўрчипахта” ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишдик. Корхона туман марказида жойлашган. Бу ердаги ободончилик, саранжом-саришталик ишлари киши кўнглига хуш кайфият бахш этади. Муҳандис-техник ходимлар ўз ишлари билан банд. Бир хил коржома кийиб олган беш юз нафардан ортиқ ишчининг қўли-қўлига тегмайди. Эндигина юксакликка бўй чўзаётган ғарамлардан тасмалар орқали узатилаётган пахта тўғри бориб тозалаш цехига тушмоқда, сўнг тола чигитдан ажратилмоқда. Енгил саноатимиз учун қимматли хомашё бўлган момиқ пресслаш цехида тойланиб, омборларга жўнатилмоқда. Шу тариқа шўрчилик пахтакорлар етказиб бераётган “оқ олтин”дан юқори сифатли тола олинмоқда.

— Бу йил 37 минг тонна пахта қабул қилиш учун 243 нафар фермер билан шартнома имзолаганмиз, — дейди Муҳаммад ака Сатторов. — Ундан олинадиган тола Жарқўрғон терминали орқали Россия, Франция, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Дания каби қатор Европа мамлакатларига жўнатилади. Корхона иқтисодий юксалишга юз тутган. Шу боисдан ҳам ишчиларимизнинг ойлик маоши ўтган йиллардагидан анча юқори. Ҳиссадорларнинг бир дона акциясига бир минг эллик сўмдан дивиденд тўғри келаяпти. Боз устига, бу йил жамоанинг фойдаси ҳисобидан ҳар ишчи-хизматчига бир ойлик маоши миқдорида устама ҳақ тўлашни мўлжаллаганмиз. Туманда амалга ошириладиган ободончилик ишларига биринчилар қаторида бош қўшаяпмиз. Кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаб келаяпмиз. Уч оилага соғин сигир туҳфа қилдик.

Вилоятдаги Жарқўрғон, Қизириқ, Сариосиё, Узун ҳамда Қумқўрғон туманларидаги пахта тозалаш корхоналари ишчилари ҳам ҳосилни қайта ишлашга енг шимариб киришган. “Жарқўрғон пахта” ҳиссадорлик жамиятига Ҳасан Сафоев раис этиб тайинлангандан буён бу ерда ижобий ишлар салмоғи кўпаймоқда. 450 нафардан ортиқ киши иш билан банд. Улар бу йил 30 тонна “оқ олтин”ни қайта ишлашни режа қилишган. Олинган тола терминалга, чигит эса қайта ишлаш корхонасига пешма-пеш топширилаяпти.

Ўлкамизда куз нафаси уфурмоқда. Вилоятда барча куч ва имкониятлар йиғим-теримга қаратилган. Пахта тозалаш корхоналари ишчилари эса етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, ундан қимматли тола тайёрлаш ва хорижий мамлакатларга етказиб бериш йўлида астойдил ҳаракат қилаяптилар.

Омон ШУКУРОВ ®

МАЪНАВИЯТ

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Абдулла Қаҳҳор билан учрашув

Бундан икки йил аввал ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Таниқли адиб устоз сифатида ҳам кўпгина ёш ижодкорларга ғамхўрликлар қилган эди. Бундан бошқалар каби камина ҳам баҳраманд бўлганман.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов ҳассос адиб Абдулла Қаҳҳорнинг назарига тушиб, унинг ғамхўрлигидан, бағрикенглигидан баҳраманд бўлганлардан бири. Ўша пайтда Т.Қайипбергенов ҳам кўзга кўриниб келаётган истеъдодлардан эди. Мен у билан 1964 йилда танишганман. Бу вақтда Т.Қайипбергенов "Совет Қорақалпақстаны" (ҳозирги "Еркин Қорақалпақстан") газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишларди. Мен эса республика "Ўқитувчилар газетаси"нинг Қорақалпоғистон ва Хоразм бўйича ўз мухбирлигидан Нукус педагогика институтига ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчи бўлиб ишга ўтгандим.

1964 йил ёзида бир гуруҳ талабалар Хўжайли туманидаги "Амударё" давлат хўжалиги ғўзаларини чилпиш ишига жалб этилди. Мен талаба-ҳашарчилар гуруҳи раҳбари эдим. Бир куни қўлимга "Совет Қорақалпақстаны" газетасининг янги сони тушиб қолди. Унда Т.Қайипбергеновнинг "Номус кучи" қиссаси босилаётган экан. Ёшлар ҳаётидан олинган бу асар маъқул бўлдими, газетанинг барча сонларини олиб уни қурбим етганича қорақалпоқ тилидан ўзбекчага таржима қила бошладим. Хуллас, таржима тайёр бўлди. Ҳашардан қайтгач, адабиётчи дўстларим Пирмат Шермуҳамедов ва Камол Худойбергеновлар мени Т.Қайипбергеновнинг хонадонига бошлаб боришди. Таржимани қисса муаллифига топширдим. Кўп ўтмай Т.Қайипбергенов Тошкентга борганида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижодий уйида таржиманинг қўлёзмасини Абдулла Қаҳҳорга берибди.

Ушбу воқеага тегишли бўлгани учун "Халқ сўзи" газетасининг 2002 йил 11 октябрь сонида босилган журналист Янгибой Кўчқоровнинг "Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаммуаллифи" номли мақоласидан қуйидаги парчани келтирмоқчиман: "Эътиборни қарангки, ўша куниёқ Абдулла ака қўлёзмани ўқиб, шом чоғида Т.Қайипбергеновни ахтарибди. Кечроқ қайтиб келганида бу гапни оғага (яъни Тўлепберген оғага — Ғ.Ё.) етказганларида, у терисига сиғмай таниш шоирдан Қаҳҳорнинг ҳовлисига бирга бориб келишни қайта-қайта илтимос қилибди. Охири ўша шоир ёзувчи ҳузурига кирганида у:

— Эртага кечки соат олтида шийпондаги сўрига келсин! — дебди.

Ўша кечаси умуман ухламай чиққанини Тўлепберген оға ҳали-ҳали айтиб юради. Эртасига тайинланган соатда ундан ташқари бир неча ўзбек ва қорақалпоқ қаламкашлари тўпланишади.

Аниқ белгиланган вақтда домла сўрига келиб, улар билан илиқ сўрашади. Қўлидаги қўлёзмага ишора қилиб:

— Бу катта гап-ку! — дейди. — Таржимон шоирми, ёзувчи?

— Ҳаваскор ижодкор, — жавоб беради Т.Қайипбергенов.

— Ҳаваскор бўлса ҳам у кишида бадиий дид бор экан. Агар рухсат берсангиз, таржимани таҳрир қилиб Ғойиб Ёқубовга ҳаммуаллиф бўлар эдим!

Бу гапдан кейин Тўлепберген оғанинг кўзларида ёш айланади. Ёш қаламкашни Абдулла Қаҳҳордек улуғ ижодкор тан олиб турса, ҳазилакам гапми? Кейин Абдулла ака:

— Асқад Мухторга айтиб кўринг. (Асқад ака ўша пайтда "Шарқ юлдузи" журналини бошқарар эди. **Ғ.Ё.**) Босадиган бўлса, қўлёзмани қиёмига келтирамиз! — деб ўрнидан туради."

Шундай қилиб, Т.Қайипбергеновнинг "Номус кучи" қиссасига Абдулла Қаҳҳор "Совуқ бир томчи" деб янги ном қўяди ва 1965 йили "Шарқ юлдузи" журналида босилади. Ўша йили ушбу қисса "Тошкент" бадиий адабиёт нашриётида ҳам нашр қилинади. Китобчанинг дастлабки бетида "Қорақалпоқчадан Абдулла Қаҳҳор, Ғойиб



Ёқубов таржимаси" деб ёзиб қўйилган. Республика газеталарида бу қиссадан парчалар ва танқидчиларнинг ижобий мақолалари эълон этилди. Албатта, ўша пайтлардаги менинг ҳаяжонларим, қувончларимни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бу мен учун кутилмаган воқеа эди, албатта. Бамисоли оёғим ердаю, бошим осмонда эди.

Бир куни Т.Қайипбергенов билан учрашганимда менга:

— Абдулла Қаҳҳор сен билан суҳбатлашмоқчи, Тошкентга — уйига таклиф қилаяпти, — деди.

Ҳаяжондан қотиб қолганимни кўриб, "Тез кунда Абдулла аканинг уйига боришинг керак" деб тайинлади ва устознинг манзилини айтди.

Шу гап бўлди-ю, 1966 йил ёз кунларининг бирида Тошкентга самолётда учдим. Устоз ҳузурига боришдан аввал аспирантурада таҳсил олаётган Камол Худойбергенов (синфдош дўстим) билан учрашиб, пойтахтга келишим сабабини тушунтирдим.

— Сен ҳам мен билан бирга борсанг дейман. Ахир, қорақалпоқ адибларини мендан кўра яхши биласан. Суҳбат чоғида билганларинг асқотиб қолиши мумкин, — дедим. Ва унга яна бир шарт қўйдим: "Агарда устознинг берган саволига мен жавоб бера олмасам, оёғингга тураман! Шунда сен жавоб берасан. Хўпми?"

— Майли, — деди у кулиб.

Устознинг ўша пайтда Шёлковичная деб аталувчи кўчадаги уйини излаб топгач, қўнғироқ тугмачасини ҳаяжон билан босдим. Эшикни Абдулла аканинг ўзи очди. Саломлашдик. У киши ёзги кийимда эди. Жиддий ва салобатли қиёфада, мийиғида кулиб турган уй соҳиби "Хуш келибсизлар", — дея бизларни ичкарига бошлади. Шинамгина хонада думалоқ стол атрофига ўтирдик. Рафиқаси Кибриё опа хонага кирганида унга салом бердик. Абдулла ака бизларнинг Қорақалпоғистондан эканимизни айтди ва жилмайиб қўйди-да: "Қайипбергенов яхши юрибдими? У бало экан-ку!", деди. Сўнгра ушбу сўзини изоҳлагандек давом эттирди:

— Унда ёзувчилик кўзи бор. Кўзи ўткирлашиб қолган. Адабий деталь топишга уста экан. Келажакда ундан катта ёзувчи чиқади.

Устоз менга қараб:

— Ғойибжон, сиз Тошкентда туғилганмисиз? — деб сўраб қолди дафъатан. Мен ҳаяжонимни зўрға босиб:

— Йўқ, домла. Қорақалпоғистонда туғилганман. ТошДУда (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўқидим. Бу — дўстим Камол Худойбергенов — аспирант, дедим.

— Ҳа, шундай денг. Нашриётингиз директори Атоулла Худойбергенов билан гаплашдик. "Синчалак"ни чиқаришибди.

— Ҳа, китобингиз яқинда "Шаппаттай қиз" номи билан қорақалпоқ тилида нашр қилинди, — дедим.

— Бу йигит ҳам Худойбергенов экан-да. Сиз томонларда Худойбергеновлар кўп бўлса, Хоразмда Жуманиёзовлар кўп учраркан. Айтмоқчи, қорақалпоғистонлик Норбой Худойбергеновнинг мақолалари Москвадаги адабий газета-журналларда кўп босилиб турибди. У мактабда рус синфида ўқиганми?

— Йўқ, у мактабда ўзбекча ўқиган, — дедим. У кишини яхши биламан. ТошДУнинг филология факультетида бизлардан бир курс юқори Эркин Воҳидовлар билан бирга ўқирди. Норбой Худойбергенов билан учрашиб, гаплашиб тураман...

Суҳбат давомида Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев каби истеъдодли ёшлардан умиди катта эканини айтди. Гап орасида қорақалпоқ адиби Жўлмирза Оймирзаевни тилга олди ва унинг соғлигини сўради. Устознинг ушбу ёзувчи ҳақида берган саволига дўстим Камол Худойбергенов жавоб берди.

Суҳбат жараёнида Абдулла Қаҳҳор "Синчалак" қиссасининг немис тилида босилган нусхасини кўрсатди. Бизлар уни қўлимизга олиб, фахр ва қувонч билан гарчанд тушунмасак-да, бир-икки бетини очиб кўрдик. Бу билан ёзувчи ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари жаҳон тилларига кўплаб таржима қилинишига ишонч билдиргандир, эҳтимол. Ахир, А.Қаҳҳор "Келгуси ўзбек адабиёти буюк адабиёт бўлади, уни ҳозирги ёшлар яратади" деган эди. Буюк адабиёт эса бутун инсоният маънавий хазинасидан жой олиши табиийдир.

Кибриё опа дамлаган ошини столга олиб келиб қўйди. Ўзи ҳам бизлар билан бирга ўтириб, тиллодек товланиб турган памил чойни пиёлаларга қуйиб узатарди. Ошга тортинчоқлик билан қўл узатардик. Биз ёшлар бу буюк инсоннинг дастурхонидан баҳраманд бўлганимиздан қувонсак-да, ўзимизни бирмунча ноқулайроқ сезиб, қисиниб-қимтиниб ўтирардик.

Абдулла Қаҳҳор бизларни илиқ кузатиб қўйди.

У киши билан таржима соҳасидаги ҳамкорлик (гарчанд қисқа муддатда бўлса-да) давом этди. Мен Т.Қайипбергеновнинг яна бир қиссасини — "Уйқусиз тунлар" деган асарини ҳам таржима қилдим. Уни ҳам А.Қаҳҳор бағрикенглик ва ғоят талабчанлик билан таҳрир қилиб берди. "Бу гал Ғойиб Ёқубов таржимасида босилаверсин, қўли анча келишиб қолибди", дебди у Т.Қайипбергеновга. Ушбу қисса аввал "Шарқ юлдузи" журналида, сўнг шу ном билан қорақалпоқ ёзувчиларининг қиссалар тўпламида Тошкентда босилди. Буюк ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таҳрир қилган ушбу қўлёзмани ҳозир ҳам ёдгорлик сифатида уйимда сақлаб юрибман. Уни Абдулла Қаҳҳор уй-музейига топширмоқчиман.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
"Hurriyat" газетаси мухбири.

ШЕЪРИЯТ

Шамолим, мен сени эладим...



Қўчқор НОРҚОБИЛ

ВАТАН

Она Ер — юмалоқ, ҳадсиз самовот
Узра ҳаёт чоки кетар сўкилиб
Магеллан[1] сафдоши айтгани каби
Одамлар заминдан борар тўкилиб...

Киндик қоним томган тупроқни қучиб
Мен ҳам жонни тутдим барҳақ амрига...
Балки юрармидим муаллиқ, учиб
Жоним боғланмаса Ватан томрига.

[1] Магеллан — сайёҳ

ҲАҚИҚАТ

Шоир ёлғон ёзма. Шоир алдама,
Ўқ қуш каби учмайди сира.
Қушнинг ўқдай учмаслигини
Яраланган аскарлар билар...

Тарих ҳамда шон-шараф учун
Яралганда эди замбарак
Тўп ўт очса.. (оғзида тутун)
Тўнкарилиб тушмасди фалак.

Нима ўзи урушнинг жабри?
Оғир савол...
Ўйланиб қолдим...
Жавоб берди аскарнинг қабри:
«Мен ўлганман отамдан олдин...»

* * *

Ҳаётимдан менинг кўнглим тўқ,
Гар мазмунсиз умрим қиссаси.
Пешонамни ёрганича йўқ,
Бирор авлиёнинг ҳассаси.

Тўйдирса ҳам жонимдан ғусса,
Чарх ўйини келмасди малол —
Гар кўзингга термулиб турсам
Менга ҳеч ким бермаса халал.

ШОИР

У чиндан ҳам бўлса фаришта,
Кўзингизга кўринмас эди...
Гоҳ ярим тун қайтмасди ишдан
Ўтга-чўққа уринмас эди.

Аллақачон қўярди нуқта
Тирикчилик деган эртакка.
Балки қайтиб тушмасди кўкдан
Қўлин жойлаб бўм-бўш чўнтакка...

ЛАҚҚИ

Ҳаққи кетмас эди буюк тарихнинг
Жазолай олсайди тилингдан осиб...
Ҳожати қолмасди ҳеч бир таърифнинг
Гурбат жазосини олса муносиб.

Қадим замонларда подшо халқни,
Йиғди. Бош қотирди давлати аркон.
Охири шоҳ деди: «Яшайвер лаққи,
Топмадик тилингга муносиб арқон...»

ЯРАДОР ҚУШ

Ўқ отилди. Қуш ярадор...
Қулар кўкнинг умиди.
Ким у кўкка берган озор,
Тонгни отган ким эди?!

Одам, қара яраланган
Қушмас, фалак оғуши.
Қонга чўмиб қулаяпти,
Бошга осмон қарғиши.

ҲАВАС

Хиёнат қилгудай ҳеч ким йўқ,
Дўстинг ҳам йўқ сотгудай.
Яшайсан ўзингдан кўнглинг тўқ,
Парвойинг фалакни тутгудай.
На базм, на шуҳрат, мартаба
Қизиғи йўқ сенга азалдан.
Кўрмаганман бирор мартаба,
Баҳра олдинг қайси гўзалдан?

Ҳар ҳолда бахтлисан. Бу олам
Пойингдаги каби мағрурсан ҳатто.
Тушунмайман,
Сен қандай одам,
Яшаяпсан қайси ҳаётда?

КУЙ

Дарпардага жон кирди бехос,
Тонгни туйқус уйғотди рояль.
Куй чалади шамолларга мос
Тонг қўйнида титраган аёл...

...Деразага боғлаяпти куй,
Мени қўймас олис кетгани.
О, мўъжиза бераяпти рўй
Жоним чиқар куйни тутгани...

* * *

Боғ ичи ҳансирар — чўғ ютган,
Қилт этмас. Бир эпкин эсмади.
Ҳаётимни чирпирак этган
Шамолим, мен сени эладим.

Довул эдим. Мен ўзим бўрон —
Йўлимни ҳеч нарса тўсмади.
Бироқ соғинч қулатди ёмон
Шамолим, мен сени қўмсадим.

Боғ устида ҳансирар осмон —
Довулликнинг етди поёни.
Шамолим кел, майли мен ёнай
Сен қутқариб қолгин дарёни...

ЁЛҒОН

Сени деб қанча шаҳарлар вайрон,
Бошлар учиб,
азалар қолган...
Гўзалларнинг табассумида
яширинган
чиройли Ёлғон.

* * *

Бу ҳаётнинг бор ўйинига
Бепарвоман бўлиб кўру кар.
Гоҳ илонлар чиқиб қўйнимдан
Ҳаётимга солади заҳар.

Ич-ичимга ютаман баъзан
Бозор этай қаён дардимни?
Кулиб туриб қарши оламан,
Меҳробдаги чаёнларимни...

ТАЪЛИМ

Асакалик ёшларнинг севимли маскани

Бугун Асака шаҳрини нафақат юртимизда, балки хориждаги кўпгина давлатларда ҳам яхши билишади. Уни оламга танитган жиҳатлар оз эмас. Биринчи навбатда меҳнаткаш ва танти одамлари, бетакрор табиати-ю, бу ерда ташкил этилган автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий русумдаги машиналари десак, янглишмаймиз. Аммо бугунга келиб, асакалик ёшлар нафақат автомобилсозлик, балки бошқа соҳаларда ҳам ўз интилишларини намоён этишмоқда. Буни Асака педагогика коллежи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ерда ёшлар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган.

Педагогика коллежи 2001 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқув юртига бундан етти йил аввал коллеж мақоми берилган бўлиб, ҳозирга қадар педагогика соҳасига қизиққан йигит-қизларни жалб этиб, билим бериб келинмоқда.

—Ўқув юртимиз қайта таъмирланиши натижасида бир қатор қулайликларга эга бўлдик, — дейди коллеж директори, педагогика фанлари номзоди Маҳмуджон Камолиддинов. — Масалан, янги спорт зали, теннис корти, очиқ спорт майдончалари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этилди. Ўқитувчи ҳамда ўқувчилар учун тренажёр заллари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Дарвоқе, 30 дан ортиқ услубий қўлланмалари нафақат ўзбек, балки хорижий тилларда ҳам нашр этилган педагогика фанлари номзоди, доцент М.Камолиддиновнинг ҳамкасблари бу борада унга ҳавас қилиб, илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ўқитувчилар томонидан ўқув режадаги фанлар бўйича 80 дан ортиқ маъруза матнлари, 150 дан ортиқ услубий ишланмалар тайёрланиб, услубият марказига топширилган.

Шунингдек, коллеж ўқувчилари ҳам ҳар турли йўналишларда билим ва иқтидорларини намойиш этиб келмоқда. Масалан, тасвирий санъат йўналишида таҳсил олган Зиёдахон Акбаралиева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган бўлса, кикбоксинг бўйича Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатида Дилмуроджон Абдухалилов кумуш медаль соҳиби бўлди. Шу билан бирга спорт ва бошқа соҳаларда иқтидори бўлган йигит-қизлар талабалар орасида бисёр.

Асака шаҳри муассасалари ўртасида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган "Андижонни кўркам ва обод, гуллар масканига айлантирайлик" деб номланган кўрик-танловда биз фаолияти тўғрисида ҳикоя қилаётган коллеж жамоаси доимо ғолиб бўлиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўқув юрти ўқитувчи-педагоглари ва талабалари жамоанинг мавқеини ошириш учун изланишни давом эттириб, куч ва билимларини аямаяптилар.

Норқул МАЪМИРОВ ®





ЯНА ЁШЛИГИМГА ҚАЙТГАНДЕК БЎЛДИМ



Озод ХУШНАЗАРЗОДА

НАРВОН

Сени мақтайвериб олиб чиқибман,
Шуҳрат ва омаднинг кенг осмонига.
Кўкка урлайвердинг, лек иккимиз ҳам,
Эътибор бермабмиз чиққан нарвонга.

Манманлик касали забт этди сени,
Ва охир-оқибат йиқилдинг ёмон.
Тушишингни билмай кечирган дўстим,
Тайёрлаб қўймабман тузукроқ нарвон...

* * *

Ҳазил қилди ёши каттароқ акам,
Деди: — Турмуш қандай гўзал киройи.
Бу дунёга барвақт келибмиз укам,
Кўрмайсанми, қизлар қандай чиройли?
Менимча, ўтса-да умринг онлари,
Бу дунёда абадий эмас, билинар.
Ўша пайтнинг гўзал жонолари,
Кўзимга ҳали ҳам сулув кўринар.
Агар ишонмасанг сўзимга зарра,
Менинг кўзим билан уларга қара...

ТЕЛЕФОН

Оқшом кирди, хонада ўзим,
Ўтирибман кутиб қўнғироқ.
Телефонга термулар кўзим,
Қўнғироғинг бўлмади бироқ.

Оқшом кирди, хонада ўзим,
Нортуяда вақт ҳам судралар.
Мана аста рақамингг тердим,
Гудок кетди... юрак дукиллар.

Оқшом кирди, хонада ўзим,
Кимдир олди — бу ўзинг бешак.
«Алло, алло, гапиринг бу ким?»
Титрар қўлим, титрайди гўшак...

Оқшом кирди, хонада ўзим,
Эҳ, бу кутиш... вақт ҳам бир доя.
Овозингни ногоҳ эшитдим,
Шунинг ўзи менга кифоя...

* * *

Севги ёш танламас деганлари ҳақ,
Сени севиб қолдим эллик ёшимда.
Ҳар куни бир ширин сўзингга илҳақ,
Шу савдо ҳам бормиди бошимда?!
Бу қандай синоат, бу қандайин сир,
Яна ёшлигимга қайтгандек бўлдим.
Бизни учраштирди жуда кеч тақдир,
Воажаб, энди ўн саккизга тўлдим.
Яна таниш ўша туйғулар қайтди,
Яна ҳаяжонли кутишлар сирли.
Севги ҳақда қанча шоирлар айтди,
Севги билан дўстим ҳаёт ҳам нурли.
Бу севги ҳаммани ҳали этар ром,
Ва менга ўзгача бахш этар илҳом.

ТУҒИЛГАН КУН

Туғилган кун тонгда боғимда,
Шодон сайраб қолди булбуллар.
Умр ўтар — чирс этган япроқ,
Ҳўрсинаман қайтмайди улар.

Умр ўтар мендан бир тайин,
Қолармикан эзгу хотира?
Дўстим, умр ўтгани сайин,
Туғилган кун ёқмайди сира.

Бугун дўстлар... ким эса яккаш,
Биров қутлар, бирови жимдир.
Менинг кўнглим эса маъюс, ғаш,
Қутламади мен кутган кимдир.

МАДАНИЯТ

Халқ билан гаплашишни биламизми?

(Бошланиши 1-бетда.)

Афсуски, умри адабиёт майдонида ўтиб, бу тўғрида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган биродарларимиз ҳам учрайди.

* * *

Менинг фикрим кўпинча зиддиятли. Шу боис гоҳо дакки еганман.

Айрим биродарларимиз бугун ҳаёт тарзини инобатга олмайди ёки тушунмайди. Зиддият фалсафий тафаккурнинг асоси бўлиб қолмай, ҳаётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳамдир. Зиддият бўлмаса, ҳаёт ҳаракатдан тўхтайди.

Шу кунларда бир анкетада: "Сизни адабиётнинг бугунги аҳволи қаноатлантирадими?" деган саволга дуч келдим. "Қаноатлантиради" дедим. Кейин иккилана бошладим.

Гап шундаки, у мени ҳам қаноатлантиради, ҳам қаноатлантирмайди.

Бир томондан, мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўтган ўн саккиз йил ичида ҳаётнинг шакл ва мазмуни ўзгариб кетди. Адабиёт гўёки тор хонадан тоза ҳавога чиқди. Ёзувчи ўз фикрини эркин, истаган шакл ва йўсинда ифодалаши учун имконият туғилди. Бу — қуруқ гап эмас, мен ўз асарларим тимсолида буни исботлашим мумкин (мустақиллик йилларида мен ёзган романларни ижодкор олдин ёзишни ўйлашга ҳам кўрқар эди. Фикр, эътиқод, ҳатто муҳаббат тушунчаси "кишанланган", "руҳ қуллиги" ҳукм сурар эди!) Яна, муҳими, мамлакатдаги эзгу мақсад йўли билан адабиётнинг мақсад йўли бирлашиб кетди. Соддароқ қилиб айтганда, ёзувчи минг йиллар орзу қилган инсоний олижаноб тушунчалар давр минбарига кўтарилди.

Бизнинг ўзбек (туркий тилдаги) адабиётимиз юксалган ва юксалмаган даврлар бор. Қошғарий тузган китоб минг йил яшаган, яна шубҳасиз минг йиллар яшайди. Яссавий, Навоий, Бобур яшаган замонларда адабиёт абадият касб этган. Кейин Фитрат айтганидек, Умархон даври. Ниҳоят, йигирманчи аср бошланиши ва олтмишинчи йилларда кўринган тўлқин. Мамлакатимиз мустақилликка эришган ҳозирги кунда янги бир кўтарилиш куртаклари кўзга ташланаяпти.

Иккинчи томондан, жаҳон адабиёти эришган бадиий маҳорат мактабини ўрганиш ўрнига "чаққонлик" қилиб, "болта билан" адабиёт майдонига кириш кайфиятида бўлган "ижодкор"лар сони ортиб бораётгандек таассурот уйғонади. Бунинг устига, юзта ижодкорнинг юзта китобини йиғиб ўқишга тутиниб кўринг: барчаси бир ранг, бир оҳангда. Шахс қани? Ўзлик қани? Оддий кишилар, ҳатто адабиёт муаллимларини қўйинг, адабиётшунослар, ёзувчилар китоб эмас, кундалик адабий нашрларни кам ўқишаяпти. Бунинг натижасида адабий савод анча паст экани сезилаяпти. Дейлик, буюк Алишер Навоийнинг бир ғазалини ўқиб баҳраманд бўлиш (маза қилиш, баданнинг яйраб роҳатланиши) учун энг аввал у нима деяётганини тушуниш керак. Бунинг учун адабий савод керак.

Яна бир гап. Ёзувчи илк қаращда минг йиллик "адабиёт дўкони"да ўзининг одатдаги ҳунари билан машғул. Бироқ дунёда ҳар қандай касби-кор (оддий соатсознинг иши ҳам) такомиллашиб боради. Бизда эса мана шу такомиллашув очиқ-ойдин кўринмаяпти. Бунинг учун давр ўзгаргани, дунё катта тараққиёт йўлидан бораётганини тушунишга тўғри келади. Адабий меросни тугал тасаввур қилиб асраш, жаҳон адабиёти майдонига чиқиш сингари ишлар ҳам ҳали яхши ўрганилмаган. Шу жиҳатлардан адабиётнинг бугунги аҳволи кишини қаноатлантириши қийин.


* * *

Аслида ҳар ким ўз ҳаётини ўзи эплаши керак. Дунёда кўп давлат раҳбарларнинг маънавият, адабиёт билан у қадар иши бўлмайди, дейишади. Бизда эртанги кунни ўйлаб, меҳр билан қайғуриб қаралаётгани қадрли. Шахсан мен ҳеч муболағасиз Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби ва бу йил адабиётни ривожлантириш борасида билдирган фикр-мулоҳазаларини чинакам ижтимоий ҳодиса деб тушунаман.

"Ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунини ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдард-у, ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".

Президентнинг бу сўзлари фақатгина ижодкорга берилган баҳо эмас, балки унутилмас йўлланма ҳамдир.

Адабиёт ўз вазифасини бажараяпти. Кўп китоблар ёзилаяпти. Босилаяпти. Шунинг баробарида уларнинг бир дастаси тарихдаги йирик шахслар ҳақида. Яна бир қисми зиёлилар ҳаётидан. Бошқа бир дастаси одамлар орасидаги икир-чикир муносабатлар-у, оилавий турмушга бағишланган. Аммо бу асарларда ўзини таниган (очиғи, таний бошлаган) халқ қани? Юрт қани? Бир гуруҳ ёзувчини тўплаб сўранг, Ўзбекистон тарихи, айниқса, жуғрофиясини улардан неча киши яхши биларкин? Наҳот халқимизнинг ўзига хослиги фақат меҳмондўстлик, одоб ва бировга яхшилик қилишдан иборат бўлса?



> *"Ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунини ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш ўз халқи билан ҳамдард-у, ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".*

Жаҳон адабиётида ёзувчилар ўз халқини ҳар томонлама мукаммал тасвирлаб шуҳрат қозонган. Биз эса ҳали халқ ҳаётига чуқур кириб борганимиз йўқ (баъзи бир шеърлар ва ҳикоялардагина буни кўриш мумкин).

Юртбошимиз бизга ошкор мурожаат қилгандек бўлади: "Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиши билан бирга биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда".

Биз бу сўзлар мағзини чақиб, амал қилишга тайёрмизми?

* * *

Аксар ёзувчиларни ҳакимлар (шифокорлар) билан ёнма-ён қўйгим келади. Иккиси ҳам инсонни даволайди (ёки даволаши керак).

Ёмон ҳаким жисмни, руҳни парчалайди. Емиради. Ёмон (ҳақиқатни, адолатни билмаган) ёзувчи китобхон руҳига (демакки, жисмига ҳам) зиён етказади.

Ўтган йили бир касалхонада даволандим. Биласиз, жони оғриган киши худога, шифокорларга ёлвориб, сиҳатлик сўрайди. Йиқилиб қолганимизда ҳакимлар бизни оёққа турғизишади. Улар бизнинг саломатлигимиз посбонларидир.

Мен ётган касалхона доимий ишлаётган бир комбинатни, аниқроғи, муҳораба кунларидаги госпитални эслатарди. Кунми, тунми ўз оёғи билан келгандан кўра кўпроқ замбилга солинган инсон палатага олиб кирилади, бошқаси жарроҳлик столига ётқизилиб, "тайёрлаб" олиб кетилади.

Аммо бу ерда бошқа бир кичик ҳолат мени ажаблантирди: деярли ҳар куни эрталаб бош ҳакимлар гоҳ тўпланиб, гоҳ айри-айри, қўл остидаги даволовчи ходимлар-у, талабаларни эргаштирган ҳолда палаталарни айланишади. Бунга эътироз йўқ. Гап шундаки, улар ҳеч қачон беморларга салом беришмайди. Мабодо ётганлардан кимдир салом берса, унинг саломи ҳам ҳавода муаллақ қолади. Улар кинода кўрсатилганидек бирор бемордан ҳол сўраб ҳам ўтиришмайди. Қўл остидагиларни дағал-дағал сўроққа тутишади, холос.

— Бу ҳалиям ётибдими?

— Буниси қачон келган экан?

— Бунга нима бўлган?

Беморлар катта маблағ сарфлаб, даволанаётган ҳозирги кунда бундай совуқ муомалани ҳеч бир важ-карсон оқлаёлмайди. Ўша касалхонада ётганимда ҳам, кейин ҳам бу борада кўп ўйладим. Аввалида уларга биров вақтида салом беришни ўргатмаганми, деган хаёлга бордим, кейин улар халқ билан гаплашиш бобида тарбия кўрмаган, билмайди, деган фикрга келдим.

Биз ёзувчилар-чи? Халқ билан гаплашишни биламизми? Халқ ичига кириб бориш, одамларнинг дард-у, ғами билан яшаш учун олдин улар билан гаплашишни ўрганиш керак. Баъзан газеталарда қайсидир ёзувчи билан суҳбатни ёки унинг мақоласини ўқийман, танишларим фикр сўрашади.

— Ёмон эмас, — дейман.

— Сизга ёқдими?

— Нима десамикан?.. Бу ҳар ким гапирадиган гаплар. Ёзувчининг қуроли тил, сўз. У бошқачароқ сўзлашга, бошқачароқ ёзишга мажбур. Ўқувчи ундан аниқ кузатишлар, бировникига ўхшамаган гапни кутади, — дейман дилимдагини яширмай.

Баъзан китобхонлар билан учрашамиз. Қайсидир биродаримиз минбарга чиқиб нутқ ирод қилади. Даврадагилар тезда зерикади. Ғала-ғовур бошланади. Айримлар хонани тарк этади. Ёзувчимиз хафа бўлиб, эшитувчиларга танбеҳ беришга тушади... Мен эса унинг халқ билан гаплаша олмаётганини ҳис этаман.

Адабиёт қадимда, инсоният ҳали ёзувни ҳам ўрганмаган даврда бировлар билан кўнгиллашиш эҳтиёжидан бунёд бўлмаганмикан?! Адабиёт керак пайтда бировларга руҳ бағишлаш, керак пайтда бировларни ҳимоя қилиш учун инсониятнинг қалб-қалбидан очилиб, эзгу ва қудратли илк нидолар бўлиб, яратилмаганмикан?!

* * *

Сукунат (ёки ёлғизлик) суронли дунёда гоҳо одамга керак ҳам! Киши яшаш маъносини ўйлаш, чор-атрофга осойишта қараб олиш учун ҳам бу ҳолатни қўмсаган пайтлар бўлади.

Лекин бутун ҳаётда сукунат хиёнатли, қабиҳ ҳолат.

У — инсоннинг ғафлат, уйқу босишидир.

Навқирон ўн саккиз ёшга тўлган Мустақиллик бизни камарни маҳкам боғлаб, дадил қадам ташлашга ўргатди.

Бу — бевосита адабиётга ҳам тегишли.

Ҳаёт — ҳаракат, адабиёт — суҳбат демакдир.

Омон МУХТОР

СПОРТ

ВАКИЛЛАРМИЗ — ЎН БИТТА МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Япония пойтахтида ўтказилган Осиё паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган терма жамоамиз вакиллари енгил атлетиканинг югуриш, узунликка сакраш ва найза улоқтириш турларида муносиб қатнашиб, жами ўн битта медални қўлга киритдилар. Югуриш ва узунликка сакраш беллашувларида ҳамюртларимиз Бекзод Хўжаев ва Фарруҳ Мирзақулов иккитадан олтин медалга сазовор бўлган бўлса, терма жамоамизга бешинчи олтин медални 100 метрга югуриш бўйича Музаффар Ражабов олиб келди.

Шунингдек, турли масофаларга югуришда Ойбек Бозоров ва Сугун Бекмирзаева биттадан кумуш ва бронза медаль билан тақдирланишди. Мурод Аббосхонов эса Осиё паралимпия ўйинларининг кумуш медалига эга бўлди. Мусобақанинг найза улоқтириш баҳсларида Ғайрат Қаюмов кучли учликдан жой олди.

ҒОЛИБЛАР ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА БОРАДИ

Самарқанд шаҳридаги Олимпия заҳиралари тайёрлаш марказида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 200 га яқин спортчилар ғолиблик учун кураш олиб борди. Қизғин ва муросасиз кечган ушбу мусобақада ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Тошкент вилояти спортчилари иккинчи, Самарқанд вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб спортчилар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 1-5 октябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатлари енгил атлетикачилари халқаро мусобақасида иштирок этишади.

ИСПАНИЯ ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ



Баскетбол бўйича Испания терма жамоаси Европа чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди. Улар мусобақанинг финалида сербиялик баскетболчиларга қарши баҳс олиб бориб, 85:63 ҳисобида зафар қозонишди. Мазкур ғалаба Испания терма жамоаси тарихида илк муваффақият ҳисобланади. Шу пайтгача испаниялик баскетболчилар Европа чемпионатининг финалида уч марта иштирок этган бўлса-да, биринчи ўринни эгаллаш насиб қилмаганди.

Польшада ўтказилган ушбу мусобақада учинчи ўрин грецияликларга насиб этди.


«ГАЗПРОМ-АРЕНА» — "ЗЕНИТ"НИНГ ЯНГИ СТАДИОНИ



Россиядаги энг йирик корхоналардан бири «Газпром» ОАЖ раҳбари Алексей Миллер, Санкт-Петербург шаҳри губернатори Валентина Матвиенко, «Зенит» футбол клуби президенти Александр Дюков ва жамоа бош директори Максим Митрофановлар жамоа учун янги стадионнинг қурилиш жойида бўлиб, унинг қандай номланиши борасида келишиб олишди.

— Ўйингоҳ биринчи навбатда замонавий бўлиши керак, — дейди «Газпром» раҳбари Алексей Миллер журналистларга берган интервьюсида. — Унинг номидан реклама сифатида фойдаланиш мумкин. Қолаверса, клубнинг молиявий таъминотини ҳам унутмаслик лозим. «Газпром» ОАЖ ҳозир "Зенит" клубининг асосий ҳомийси ҳисобланади. Масаланинг мана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, янги стадионни «Газпром-Арена» деб номлашга қарор қилдик. "Зенит" дунёнинг энг яхши жамоаларидан бири. Энг яхши клубнинг эса ҳар томонлама қулайликка эга стадиони бўлиши керак. .

ЖАРОҲАТИ ТУФАЙЛИ



Жаҳон теннис рейтинг жадвалида биринчи ўринда турган испаниялик Рафаэль Надаль келгуси ҳафтада Бангкокда бошланадиган теннис турнирида иштирок этмаслигини маълум қилди. Спортчи мусобақа ташкилий қўмитасига мурожаат қилиб, жароҳати унга ҳар хил ноқулайликлар туғдираётганини билдирган.

Шифокорларнинг айтишича, Рафаэль Надаль яна бир ойдан кейин дунё миқёсидаги мусобақаларда қатнашиш учун кортга чиқиши мумкин. Ҳозирда у Испанияда машғулотлар олиб бораяпти.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ТАЖРИБАСИЗ ҒАВВОСДЕК БЎЛМАНГ

ТАФАККУР

Тарихий асарларни ўқиб битта хулосага келдим — келажакдаги эзгу ишлар кўламдорлиги одамзотнинг нафақат ўтмишдаги ёмон ишлардан тўғри хулоса чиқаришига балки яхши ишлардан ибрат олишига ҳам боғлиқ экан. Туркистон заминини илм-фан ва маданият ривожланган қудратли давлатга айлантирган буюк Амир Темур бобомизнинг "Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим" деган ўгити бунинг яққол исботидир.

* * *

Илм ўрганаётганлар олимлар даврасида гўё ғўдаклар кабидир. Шу боис, устозлар худди ота-оналар каби ишни илм йўлида уларни атак-чечак қилишга ўргатишдан бошлаганлари маъқул. Зеро, ҳар бир иш ҳам аста-секинлик билан қадам ташлашдан бошланади.

* * *

Илм ҳудудсиз уммондек нарса. Дабдурустдан жуда чуқурлашиб кетсанг, худди тажрибасиз ғаввосдек қайтиб чиқишга қийналиб қолишинг мумкин.

* * *

Илмий муаммо калити худди қидирилаётган қулфга ўхшайди: уни очиш учун турлича янги калитлар ясалади, кейин улар бирин-кетин бураб кўрилади. Ниҳоят, биттаси солинганда қулф осонгина очилиб кетади. Шу "биттаси" муаммонинг ечимидир.

* * *

Олимнинг бугуни кечагисидан, эртаси бугунидан фарқ қилиб бораётган бўлса ва бу унинг илмий натижаларининг сифати ошиб бораётгани билан ифодаланса, билингки, бу унинг нуфузи ҳам кўтарилиб бораётганидан далолат беради.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
техника фанлари доктори,
профессор.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 10494 Буюртма — Г-826 1 2 3 5